БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

УЗБЕКИСТОН КОММУНИСТ (большевик)ЛАР ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ ВА УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 189 (7636)

13 АВГУСТ ЯКШАНБА 1950 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

БУГУНГИ СОНДА:

Барча пахта далаларидаги ҳосилни тўла сақлаб қолиб, кўсакларнинг тез етилишини та'минлайлик! (1-нчи бет).

Симон Чиковани. — Тифлис қаҳрамон темирйўлчилари стачкасининг 50 йиллиги (2-нчи бет).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: **Л. Дробинский.** — Марксча-ленинча назарияни тинмай эгаллайлик. (2-нчи бет).

М. Шайхзода. — Ватан (2-нчи бет).

«Қуриш учун билмоқ керак, фанни эгалламоқ керак. Билиш учун эса ўқимоқ керак. Тиришиб, бардош блан ўқимоқ керак» (И. В. Сталин). — А. Муродхўжаев. — Сталинча қонуннинг 20 йиллиги. **Р. Эгамбердиев.** — Ёш наслни коммунистик руҳда тарбиялаймиз. **Н. Исмоилов.** — Янги ўқув йилини яхши тайёргарлик блан кутиб олмоқдамиз (3-нчи бет).

Хавфсизлик советининг 11 августдаги мажлиси (4-нчи бет).

Қуриядаги воқиалар (4-чин бет).

Маданий юксалишимиз ҳақида сталинча ғамхўрлик

Большевиклар партияси, совет ҳукуматимиз ва шахсан улуғ йўлбошчимиз ўртоқ Сталин мамлакатимиз халқларини коммунистик жамият қуришга қодир бўлган билимли кишилар қилиб тарбиялаш ҳақида ҳар доим ғоят катта ғамхўрлик кўрсатмоқдалар. Инсониятнинг генийлари В. И. Ленин ва И. В. Сталин Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейинги дастлабки йиллардаёқ мактаб ва маориф ишларига алоҳида э'тибор бердилар. Натижада, деярлик ёппасига саводсиз бўлган бепоён мамлакатимизда минг-минглаб мактаблар ташкил этилиб, меҳнаткашларнинг болалари тарихда биринчи марта бепул ўқитилабошланди.

Ўртоқ Сталин 1925 йил 9 июньда Свердлов университетида сўзлаган тарихий нутқида маданий маориф соҳасидаги асосий йўл «...шундан иборатки, бутун мамлакатда, бутун иттифоқда бошланғич умумий мажбурий та'лимни амалга ошириш учун зарур шароитлар ҳозирламоқ керак. Бу, ўртоқлар, энг катта реформадир. Бу реформа амалга оширилса, фақат маданий фронтдагина эмас, балки сиёсий ва хўжалик фронтларида ҳам энг буюк ғалаба бўлади. Бу реформа мамлакатнинг жуда катта юксалиши учун негиз бўлиб хизмат қилади» деб кўрсатган эди.

Партия ва ҳукуматимиз, мамлакатимизнинг барча халқлари улуғ доҳимизнинг шу кўрсатмасига амал қилиб, маданий маориф соҳасида буюк ғалабаларга эришдилар. СССР Марказий Ижроия Комитети ва Халқ Комиссарлари Советининг бундан 20 йил илгари, я'ни 1930 йил 14 августда бошланғич умумий мажбурий та'лим ҳақида қабул қилган қарори мамлакатимиз халқларини ёппасига саводхон, маданий кишилар қилиш ишида муҳим воқиа бўлди.

Шу тарихий қарордан кейин мактаб ва маориф ишларида кескин бурилиш ясалди. Бошланғич умумий мажбурий та'лим ҳақида қарор қабул қилинган йилда мамлакатимиз мактабларида 13 ярим миллион ўқучи та'лим олган бўлса, эндиликда ўқучиларнинг сони 33 миллионга етди, Совет Иттифоқи ўқучилар сони жиҳатидан бутун дун'ёда биринчи ўринга чиқди.

СССР Давлат бюджетидан халқ маорифи иши учун ҳар йил жуда кўп маблағ ажратилаётганлиги партия ва ҳукуматимизнинг халқимиз маданияти ҳақида кўрсатаётган буюк ғамхўрлигидан далолат беради.

Бошланғич умумий мажбурий та'лимнинг амалга оширилиши бошқа қардош республикалардаги каби, Совет Ўзбекистонида ҳам ғоят катта маданий революция бўлди. Ўзбекистон ўтмишда ёппасига саводсиз ўлка бўлганини назарга олганда, бу маданий революциянинг аҳамияти янада яққолроқ аён бўлади.

Мазкур қарор қабул қилингандан буён ўтган 20 йил ичида республикамизда мактаб ва маориф соҳасида катта юксалишга эришилди. 1938—39 ўқув йилида ўқучилар сони 1914—15 ўқув йилидагига қараганда 64 марта кўпайди, 1940—41 ўқув йилида мактаблар сони 4795 тага, ўқучилар сони 1 миллион 252 мингтага етди, ҳозир мактабларда 44 минг ўқитучи ишлаб турибди.

Республикамизда ўқув ёшидаги қизларнинг деярлик ҳаммаси мактабларга тортилган. 1949—50 ўқув йилида мактабларимизда 371 минг ўзбек қизи ўқиди. Бу, 1930 йилдагидан 6 ярим марта кўпроқдир.

Бошланғич умумий мажбурий та'лим амалга оширилгани натижасида Совет Иттифоқидаги қардош халқлар оиласида тенг ҳуқуқли бўлган ўзбек халқининг жуда кўп ўз миллий зиёли кадрлари етишиб чиқди. Бу соҳада улуғ рус халқининг оғаларча ёрдами ва унинг юксак маданияти ҳал қилучи роль ўйнади. ВКП(б) Марказий Комитети ва СССР Халқ Комиссарлари Советининг 1938 йил 13 мартда ўртоқ Сталиннинг ташаббуси блан, «Миллий республика ва областьларнинг мактабларида рус тилини ўрганиш зарурлиги ҳақида» қабул қилган қарори мактабларда та'лим-тарбия ишларини яхшилашда, кадрлар етиштириш ишида тубдан бурилиш ясашда ғоят катта ҳаётий аҳамиятга эга бўлди.

Партия ва ҳукуматимиз мактаб ва маориф ишини юқори даражага кўтаришга, халқимиз маданиятини юксалтиришга кенг йўл очиб берадиган жуда кўп муҳим тадбирлар белгиладилар ҳамда бу соҳада барча шароитни яратиб бердилар. Мактабларда ўқучиларнинг билимига баҳо беришда беш баллик системага кўчилиши, тўртинчи ва еттинчи синфларни битиручи ўқучилар учун имтиҳонлар белгиланиши, 10-нчи синф ўқучилари учун етуклик аттестатига имтиҳонлар белгиланиши, ўрта мактабларни 5 баҳо блан битирган ўқучиларни олтин ва кумуш медальлар блан мукофотлаш ҳамда бошқа шу каби муҳим тадбирлар ўқиш-ўқитиш ишларини тубдан яхшилашда асосий омиллар бўлди.

Партия ва ҳукуматимиз, шахсан ўртоқ Сталин совет ўқитучиларини етиштириш, уларни тарбиялаш, уларга яхши иш шароити яратиб бериш ҳақида тинмай ғамхўрлик қилмоқдалар. СССР Олий Советининг ўқитучиларни орден ва медальлар блан мукофотлаш, ўқитучиларга имтиёзлар бериш, уларнинг иш ҳақини ошириш ва ўқитучиларга нафақалар бериш ҳақидаги бирмунча фармонлари ана шу ғамхўрликнинг ёрқин далилидир. Бу улуғ ғамхўрликдан илҳомланган ўқитучиларимиз ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялашдан иборат муқаддас бурчларини шараф блан бажармоқдалар.

1949 йилдан бошлаб еттийиллик умумий мажбурий та'лим жорий қилинди. Еттийиллик умумий мажбурий та'лимни амалга оширишда ҳам республикамизда катта муваффақиятларга эришилди. Ҳозир бутун республикада ўқучиларга камида 7 йиллик ма'лумот берилмоқда, шунингдек барча шаҳарлар ва районларда мактаблар ўқучиларга тўла ўрта ма'лумот бермоқдалар. Лекин большевиклар қўлга киритган ғалабалари блан хотиржам бўлиб қололмайдилар. Ўзбекистон коммунист большевиклар партиясининг X с'езди ўз резолюциясида ёзганидек, «партия ва совет ташкилотларининг асосий диққати умумий мажбурий та'лим тўғрисидаги қонунни ҳарбир районда ҳеч сўзсиз бажаришга, айниқса ўзбек қизларининг мактабда ўқишни битирмай кетиб қолишига барҳам беришга ва мактабларда та'лим-тарбия сифатини анчагина яхшилашга қаратилиши керак». Партиянинг ана шу муҳим кўрсатмасини бажариш соҳасида ҳали партия ва совет ташкилотлари олдида кўп ишлар туради.

Тошкент, Чирчиқ, Бекобод шаҳарларининг партия, совет ташкилотлари, кенг жамоатчилиги мактабларни 1950—51 ўқув йилига намунали тайёрлаш юзасидан қимматли ташаббус бошлаб бердилар. Бу ташаббус ижобий натижалар берди. Мана шу шаҳарларда ҳамда республикамизнинг бошқа кўп шаҳар ва районларида мактаблар ремонти сифатли ўтказилди, ўқув ёшидаги болаларнинг ҳаммаси рўйхатга олинди.

Лекин Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг шу йил март ойида «Мактабларни 1950—51 ўқув йилига тайёрлаш» ҳақида чиқарган қарори қониқарсиз бажарилаётир. Бу қарорда мактаблар ремонтини 1 августгача тамомлаш кераклиги кўрсатилган эди. Броқ шу вақтга қадар республикада 500 га яқин мактабнинг капитал ремонти тамомланмади. Жумладан, Хоразм областининг районларидаги 153 мактаб шу вақтгача тўла ремонт қилингани йўқ. Наманган областида эса 137 мактаб ўрнига фақат 69 мактаб капитал ремонтдан чиқарилди. Янги бинолар қуриш иши қониқарсиз бораётир. Мактаблар учун 28 та янги бино қурилабошлаган эди. Шулардан бирортаси ҳам ҳали тўла битказилгани йўқ. Колхозларда қурилаётган 391 мактаб биносидан энди 67 тасининг қурилиши тамомланди.

Умумий мажбурий та'лим ҳақидаги қонунни бажариш соҳасида ҳам катта камчиликлар содир бўлаётир. Ўтган йили республикада 7 ёшдан 15 ёшгача бўлган бирнеча минг бола мактабга тортилмаганлиги, бирнеча минг бола йил давомида ўқишни ташлаб кетганлиги Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги ва унинг жойлардаги органлари умумий мажбурий та'лим соҳасида ўтган йили жиддий камчиликларга йўл қўйганлигини кўрсатади. Шунингдек, ўтган йили бирнеча минг қиз ўқишдан кетиб қолган. Бу, хотин-қизларга бой-феодалларча муносабат сарқитлари ҳамон яшаб келаётганини кўрсатади. Чунончи, Хоразм областида 600 га яқин ўқучи қизнинг эрга берилишига йўл қўйилган. Яккабоғ районидаги еттийиллик мактабнинг директори ўртоқ Қодиров 7-нчи синфда ўқиётган 2 қизнинг эрга берилишига йўл қўйган ва ҳоказо. Бу фактлар жойлардаги партия, совет ташкилотлари ва маориф органлари эскилик сарқитларига қарши, умумий мажбурий та'лимни тўла амалга ошириш учун кескин кураш олиб боришлари зарурлигини кўрсатади.

Умумий мажбурий та'лимни тўла амалга ошириш, ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш фақат мактаб ва маорифнинггина эмас, балки бутун халқнинг, барча партия, совет ва комсомол ташкилотларининг шарафли бурчидир.

Республика партия, совет ва комсомол ташкилотлари, маориф органлари ва кенг жамоатчилиги олдида мактабларни 1950—51 ўқув йилига тайёрлаш ва мактаб ёшидаги барча болаларни ўқишга тортиш, айниқса қизларнинг ўқишдан четда қолишига қарши кескин кураш олиб боришдан иборат кечиктириб бўлмайдиган вазифалар турипти.

Маданий юксалишимиз ҳақида, ёш авлодни коммунизмнинг шонли қуручилари қилиб тарбиялаш тўғрисида партия ва ҳукуматимиз, шахсан ўртоқ Сталин кўрсатаётган буюк ғамхўрликка жавобан, республикамизнинг партия ва совет ташкилотлари, маориф органлари та'лим-тарбия ишларида йўл қўйилган камчиликларни тезда тугатишларига ва умумий мажбурий та'лимни бундан кейин ҳам тўла амалга оширишда катта муваффақиятларга эришишларига ҳеч шак-шубҳа йўқ.

Учқўрғон ва Норин районлари ғалла тайёрлаш планини бажардилар

УЧҚЎРҒОН. (**Телеграф орқали олинди**). Наманган область, Учқўрғон районининг колхозлари ғалла топшириш давлат планини 10 августда 104 процент бажардилар.

НОРИН (телеграф орқали олинди). Наманган область, Норин районининг колхозлари ғалла тайёрлаш планини 10 августда муддатидан илгари бажардилар.

Барча пахта далаларидаги ҳосилни тўла сақлаб қолиб, кўсакларнинг тез етилишини та'минлайлик!

ПАХТАНИ МАШИНА БЛАН НАМУНАЛИ ТЕРИШ УЧУН СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА

Ўзбекистон ССР Пахтачилик министрлиги ҳамда МТС ва ер органлари ишчи, хизматчилари касаба союзи республика кемитетининг президиуми Чиноз районидаги 1-нчи МТСнинг 1950 йилда пахтани машина блан теришга намунали тайёрланиш ва уни ўтказиш учун социалистик мусобақа бошлаш тўғрисидаги мурожаатини ма'қулладилар.

Ўзбекистон ССР Пахтачилик министрлигининг коллегияси ва касаба союз республика комитетининг президиуми бу мурожаатни пахта машина блан териладиган ҳамма МТСларда ва колхозларда кенг муҳокама қилишни таклиф этдилар.

Мурожаатни муҳокама қилган вақтда ҳарбир МТСда, ҳарбир трактор бригадасида, ҳарбир пахта териш машинаси ва ҳарбир колхозда социалистик мажбуриятлар белгиланиши, машина блан пахта теришни муваффақиятли ўтказишга қаратилган ташкилий-техник тадбирлар ишлаб чиқилиши керак.

Машина блан пахта теришда энг яхши кўрсаткичларга эришган МТС учун Ўзбекистон ССР Пахтачилик министрлиги ва касаба союз республика комитетининг кўчма қизил байроғи та'сис қилинди. Кўчма қизил байроқ иш якунларига қараб ҳар ўн кунда бериб борилади.

ҒЎЗА ПАРВАРИШИНИ ДАВОМ ЭТДИРИБ, ЙИҒИМ-ТЕРИМГА ТАЙЁРЛАНМОҚДАЛАР

Файзиобод қишлоқ совети пахта майдони ва ҳосил жиҳатидан Олтиариқ районида катта ўрин тутади. Бу қишлоқ советидаги колхозлар 1.710 гектар ернинг ҳар гектаридан давлатга 35 центнердан ҳосил топшириш мажбуриятини олганлар. Бу мажбуриятни бажариш учун ҳамма колхозларда ғўза парвариши намунали ўтказилмоқда. Ҳозиргача ғўзалар 5 марта чопиқ, 6 марта культивация қилинди. Ҳар гектар ерга 300 килограммдан минерал, 20 аравадан маҳаллий ўғит солинди. Ерларнинг шароитига қараб 4 — 5 марта қондириб суғорилди.

Илғор агротехника асосида парвариш қилинган ғўзалар текис ҳосилга кирди. Ҳозир ҳар туп ғўзада 10 тадан 20 тагача етилган кўсак бор.

Қишлоқ советидаги колхозчилар Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг барча пахтакорларга қарата ёзган Мактубига жавобан ҳосилга ҳосил қўшиш ойлиги э'лон қилинган дастлабки кунлардаёқ ғўза парваришини янада кучайтириб юбордилар. Август ойида ғўзаларни икки марта чопиқ ва культивация қилиш, қўшимча ўғитлаш мақсадида бошланган социалистик мусобақа кучайтирилди.

Ўртоқ Холматжон Қўзибоев раислик қилаётган «Қаҳрамон» колхозида ҳосилга ҳосил қўшиш ойлиги айниқса намунали ўтаётир. Ғўза парваришига сафарбар этилган 250 дан ортиқ колхозчининг ҳаммаси кундалик топшириқни ошириб бажармоқда. Бу колхозда чопиқ, культивация ва суғориш ишларини давом этдириш блан, пахта йиғим-теримига тайёргарлик ҳам бошлаб юборилди. Ҳозиргача 5 арава, 2 автокачка, битта автомашина ремонтдан чиқарилди. Теримчилар учун 139 та кўп хонали этак, 16 катта ва кичик тарози тайёрланди.

«Ҳақиқат», «Қизил қўшин» ва Калинин номли колхозлар ҳам янги ҳосилни йиғиштириб олиш учун тайёргарлик ишларини ҳартарафлама кучайтириб юбордилар.

К. ҚАҲҲОРОВ.

ҲОСИЛ

Кекса пахтакор кунларни ҳисоблаб:

— Ҳосилни ўлчаш учун ботмон тарози қуриладиган вақт келди, — дейди.

Дарҳақиқат, тўкин ҳосил қопга тушадиган вақт жуда яқин. Колхозчи деҳқонларимизнинг тили блан айтганда, «Хамир учидан патир ушатилиб», олтин водимизнинг кенг ғалла далалари, адр ва қирларидан дон экинлари ўриб олинди, ҳосил хирмондан қопга тушди. Қабул пункти ва эливаторларимизга тинчлик карвонлари келиб турипти.

Август! Хўп тўкин пишиқчилик. Бу ойда боғларимиздаги хилма-хил мевалар ғарқ пишиб, дастурхонимизни нози-не'матга тўлатди. Полизларимизда кексалар севадиган чўгари-ю, босиболдисидан тортиб, ёшларимиз тишида қарсиллайдиган шакарпалак, барги нозик қовунлар, шира-шарбатга мўл, роҳатижон тарвузлар етилди.

Мақташга лойиқ гўзал, бўстон диёримиз бор. Унинг тупроғи олтин, суви гавҳар сочади. Битмас-туганмас хазиналар калиди қўлимизда. Чунки, бахтиёр колхозчимиз. Дастимиз узун, ижодий меҳнат қиламиз. Олимимиздан тортиб оддий кетманчимизга қадар бир фикрда — Ватанга ўтган йилгига қараганда жуда кўп пахта ҳосили етиштириб берайлик, деган шиор остида ҳамжиҳат бўлиб ишлайди.

Фахрли касб эгаси — пахтакорларимиз. Улуғ Сталин Ватанимиз учун зарур бўлган ғалла, металл қаторига қўшган пахтанинг кўп қисмини биз етиштирамиз. Бу йил биз қардош Озарбайжон, Туркманистон, Тожикистон ва Жанубий Қозоғистон пахтакорлари блан юқори ҳосил етиштириш учун аҳдлашганмиз.

Ҳосил! Бу сўзнинг ма'носи жуда кенг ва чуқур. Деҳқончиликда ҳосил—йил бўйи қилинган меҳнатнинг бир бутун мужассам меваси демакдир. Ғўзалар шоналаб гуллаган, кўсаклаган пайт. Яна бир неча кун ичида кўсаклардаги пахталар текис очилабошлайди. Теримчи қизларимиз қўшолоқ кўсакда очилган барака ҳосилни чеккаларига тақиб кўз-кўз қиладилар. Енг шимариб теримга тушадилар, далаларимизда гувиллаб терим машиналари ишлай бошлайди.

Лекин ҳали терим палласига қадар ғўза пайкалимизда қилинадиган иш кўп. Биз баракали меҳнат қилиб, барча ғўзамизни ҳосил етилгунча парвариш қилишимиз шарт.

Ҳозир илғор пахтакорларимиз ғўза парваришини Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг Мактубида кўрсатилгандай яхши ташкил қилиб, ҳосилга ҳосил қўшиш учун барча чораларни кўрмоқдалар. Олтин водимизнинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари, пешқадам юзцентнерчи бригада, звеноларида ғўза яхши парвариш қилиниб, шиға кўсаклаётир.

Броқ, ҳарқандай илғор колхоз, пешқадам бригада ва звенонинг ҳам яхши амал олмаган айрим ғўзалари бор. Ҳозирги вазифа — ҳосилга ҳосил қўшиш илғорларининг эришган ютуқларини тобора кўпайтириш, ғўзани парвариш қилишда орқада қолган колхозлар, қолоқ бригада ва звеноларни илғорлар даражасига кўтаришдан иборатдир.

Мактубда кўрсатилгандай, ҳозир «Ҳарбир колхоз, совхоз, ҳарбир бригада ва звено ҳосилга ҳосил қўшиш учун курашни шундай уюштириши керакки, ҳарбир участкада мўлжалланган миқдорда ҳосил олиш ва социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши та'минлансин».

Ғўзанинг кўкига, ҳозирги кўсагига мағрурланиш — ўз-ўзини алдашдир. Чунки, ғўзанинг кўки бизга пахта бермайди. Броқ ҳозир бизда ғўзани тинмай парвариш қилиш ўрнига бултургидай кўз-кўз қилиб, кўсак санаётган, фалон центнердан пахта берамиз, деб чиранаётган айрим колхоз раҳбарлари, бригада ва звено бошлиқлари йўқ эмас.

Мана, бир мисол:

Тошкент областининг Янгийўл районидаги «Социализм» колхози «Ленинизм» колхозига қўшилиб, бу йил йирик пахтакор колхозга айланди. Ҳозир колхознинг 600 гектарга яқин ерда ғўзаси бор. Аммо кўп пайкалдаги ғўзалар ҳали яхши ҳосил олмаган. Броқ август ойига ўтиш блан бу колхозда ғўза парвариши жуда сусайтириб юборилди. Чунки колхоз раиси Пўлатовдан тортиб, кўпчилик бригада бошлиқларига қадар айрим пайкаллардаги ғўзаларнинг хомаки кўсакларига мағрурланиб қолганлар. Раис ҳам, ҳосилот советининг раиси ҳам сўнгги кунларда далада камдан-кам бўладилар. Бригада бошлиқларининг кўпи ҳозир далада эмас, қишлоқ гузаридаги чойхонада. А'золарнинг бир қисми эса, ўз полизларида, бозор-учарда...

«Социализм» колхозида идора ходимлари кўп. Бош ҳисобчининг иккита ёрдамчиси, табельчилар, секретарь, омборчи ва бошқа лавозим эгаларидан 10 га яқин киши идора атрофида ўралашиб юради.

Август ойининг ҳарбир куни ҳосил тақдирини ҳал қилади. Шу кунларда ҳарбир пахтакор далада бўлиши, ҳосилга ҳосил қўшиш учун бошланган умумхалқ ҳаракатида актив иштирок этиши лозим. Мактубда кўрсатилгандай, ҳозир «колхоз ва совхозларнинг идора ходимлари ғўзани парвариш қилишда бевосита қатнашишлари керак».

Халқимизда «бирники мингга, мингники туманга», деган мақол бор. Бу йил республикамизнинг колхоз ва совхозларида ўз мажбуриятини бажармаган бирорта бригада, звено бўлмаслиги шарт. Шиоримиз шу! Ҳосил етулгунча пахта даламизда баракали меҳнат қилайлик. Барака йили ҳосилини пухта тайёргарлик блан, тинчлик карвонига барвақт юклайлик!

Т. АБДУВАЛИЕВ.

Юқоричирчиқ районида ғўза шона ва гулларининг тўкилишига йўл қўйилмоқда

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг Мактубида ҳарбир қаторни, ҳарбир туп ғўзани яхши парвариш қилиш, ҳосилнинг тўкилишига йўл қўймаслик, шу блан ҳамма майдонда мўл ҳосил етиштириш зарурлиги уқдириб ўтилган эди.

Лекин Юқоричирчиқ районининг кўп колхозида бу кўрсатма бажарилмаётир. Ғўза парваришида агротехника қоидалари қўпол равишда бузилмоқда. Шу сабабли кўп далада шона ва гуллар тўкилмоқда.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг Мактуби э'лон қилингандан кейин Ўзбекистон ССР Фанлар академиясига қарашли қишлоқ хўжалик ва зоология институтининг илмий ходимларидан бир группаси колхозларга амалий ёрдам бериш учун икки марта Юқоричирчиқ районига бориб келди.

Улар Кавардон, Янгибозор ва Биринчи май қишлоқ советларидаги бирқанча колхозни бориб кўрганда, колхоз раҳбарлари, бригада ва звено бошлиқлари ғўза парваришини мутлақо назорат қилиб турмаётганликлари ма'лум бўлди.

«Қизил юлдуз» колхозининг ўртоқ Тўлабоев бошлиқ 3-нчи бригадасида ғўза туплари қалинлиги гектарига 55 — 60 мингдан ошмайди. Ғўзаларнинг ўсиши жуда хилма-хил. Бўйи 25 — 30 сантиметрдан 90 — 120 сантиметргача бўлган ғўзалар бор.

Суғориш сифатли ўтказилмаган. Суғоришдан кейин трактор блан культивация қилинмаган. Участка четлари ва дала ичида айрим жойлардаги ғўзалар чанқатиб қўйилганидан, шона ва гуллари тўкилабошлаган.

Шу колхознинг Хидиралиева ва Аблаев ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ҳам ғўзалар яхши парвариш қилинмаётир. Суғориш сифати назорат қилиб турилмайди. Шу сабабли кўп эгатларга сув кирмайди, ба'зи эгатларда эса сув тез оқизилиб, бошқа ерларга чиқиб кетади. Суғорилган участкалар культивация қилинмаганидан, ер қотиб қолган.

Энгельс номли колхознинг Салимхонов бошлиқ бригадасида ғўза туплари қалинлиги гектарига 60 мингтадан ошмайди. Ғўзалар яхши суғорилмаганлиги ва культивация қилинмаганлиги, ўз вақтида суғорилмаганлиги орқасида шона ва туганакларнинг тўкилиши 25 — 30 процентга етади.

Жданов номли колхознинг илмий ходимлар бориб кўрган уч бригадасида суғориш яхши ўтказилмаган. У ерларда ернинг бетини намлаш блан кифояланилган. Суғоргандан кейин культивация ўтказилмаётир. Ғўзалар яхши ўсмаган.

Янгибозор қишлоқ советидаги Ворошилов номли колхозда ғўза парвариши жуда ҳам ёмон уюштирилган. Текшириш натижасида колхоз раҳбарлари, бригада ва звено бошлиқлари ғўзаларни культивация қилиш ва суғоришга э'тиборсиз қараганликлари аниқланди. Ғўза қатор оралари яхши ишланмаганлиги сабабли, шона ва туганаклар кўплаб тўкилмоқда. Кўп колхозларда ғўзалар ўргимчакканага ва ғўза битига қарши дориланмаган. Каганович номли колхозда 5 гектар ердаги ғўзага ўргимчакканага қарши бирнеча марта дори сепилган. Лекин дорилаш тўғри ўтказилмаганидан, бу ҳашаротлар тўла қириб ташланмаган. Куйбишев номли, «Қизил юлдуз», Энгельс номли колхозларда ҳам ўргимчакканага қарши кураш яхши уюштирилмаган.

Юқоричирчиқ районининг кўп колхозида ғўзалар ҳамон шона ва туганак даврида турипти. Шунинг учун ҳамма колхоз шона ва гулларни сақлаб қолиш учун ғўза парваришини тубдан яхшилаши керак.

Илмий муассасаларнинг ма'лумотига кўра, ғўзалар яхши парвариш қилинганда ҳозирги гуллар 20 августгача кўсакка айланиши мумкин. Бинобарин, ғўзалардаги ҳамма шоналар сақлаб қолинганда, улар гулга ва гуллар кўсакка айланиши мумкин.

Колхозларнинг кўп даласида ҳар туп ғўзада 10 тадан 24 тагача шона, 3—5 тадан туганак ва гул, 3 — 7 тадан кўсак бор. Шунинг учун август ойида ғўза парваришини кучайтириб, ҳамма шона ва гулларни сақлаб қолиш учун ғайрат блан курашиш, яхши ўсмаётган ғўзаларга маҳаллий ва минерал ўғитлар солиш керак.

Колхоз раҳбарлари, бригада ва звено бошлиқлари, ер органларининг ходимлари август ойида ғўза парваришини ўз назоратлари остига олиб, ҳамма ерда мўл ҳосил тугилишига ёрдам беришлари зарур.

Л. ЯЗИКОВ.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясига қарашли қишлоқ хўжалик институти агротехника лабораториясининг раҳбари.

СОЦИАЛИСТИК МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНЛАРИ



Ҳамро ПАРДАЕВ
Самарқанд область, Чархин районидаги Карл Маркс номли колхознинг звено бошлиғи.



Ғани ДАВРОНОВ
Самарқанд область, Чархин районидаги Карл Маркс номли колхознинг звено бошлиғи.



Ражаб ЭРГАШЕВ
Самарқанд область, Чархин районидаги Карл Маркс номли колхознинг звено бошлиғи.



Қорабой ИМОМОВ
Самарқанд область, Митон районидаги «Байроқ бирлашув», колхозининг раиси.

П А Р Т И Я Т У Р М У Ш И

Марксча-ленинча назарияни тинмай эгаллайлик

Ленин район партия комитети 1949—50 ўқув йилида коммунистларни марксча-ленинча тарбиялаш масалаларига алоҳида э'тибор берди. Партия ўқуви масалалари район партия активларида ва район партия комитетининг бюроларида, шунингдек бошланғич партия ташкилотларининг умумий йиғилишларида бирнеча марта муҳокама қилинди.

Райондаги коммунистларнинг жуда кўп қисми ҳар турли сиёсий тўгаракларга жалб қилинди. Ўқув йили давомида районда 50 та сиёсий мактаб ва 13 жойда «ВКП(б) тарихи қисқа курси»ни ўрганиш тўгараклари ишлаб турди.

Якунловчи машғулотлар ўтилган материалларнинг тингловчилар томонидан яхши ўзлаштирилганлигини кўрсатди. Шаҳрихон ГЭС партия ташкилоти ҳузуридаги ўртоқ Флигельман раҳбарлик қилган «ВКП(б) тарихи қисқа курси»ни ўрганиш тўгарагида ўтказилган имтиҳонлар ўқув сифати яхши бўлганлигини кўрсатди. Шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими партия ташкилоти ҳузуридаги сиёсий мактабда врач ўртоқ Булошник раҳбарлик қилиб, дарсларни яхши ташкил қилабилган ва натижада тингловчиларни қизиқтириб, уларнинг яхши ўзлаштиришига муваффақ бўлган. Бу сиёсий мактабда ўтказилган имтиҳонларда айниқса Велеминчук, Малина, Бордашенко ўртоқлар ўтилган материалларни жуда чуқур ўзлаштирганликларини кўрсатдилар.

Шаҳар ижроия комитети партия ташкилоти қошидаги партия тарихини ўрганиш тўгарагининг раҳбари ўртоқ Горелий тингловчиларни дарсга қизиқтириш юзасидан алоҳида тадбирлар белгилаган. Натижада, дарслар жуда қизиқарли ўтган ва ҳарбир тема юзасидан тингловчиларнинг деярлик ҳаммаси сўзга чиққан.

Қишлоқ жойларидаги тўгарак ва мактаблардан—Зарбдор қишлоқ советидаги Каганович номли колхоз (раҳбари—колхоз партия ташкилотининг секретари ўртоқ Ашуров), САКУ қишлоқ советидаги «Давлат» колхози (раҳбари ўртоқ Бозоров), шу қишлоқ советидаги Серго номли колхоз (раҳбари ўртоқ Мирзааҳмедов) ва бошқа колхоз партия ташкилотлари ҳузуридаги сиёсий мактабларда ўқув программаси тўлиқ ўтилган.

Бу йил ўзбек ва рус группаларидан иборат икки группали район партия мактаби ҳам яхши натижаларга эришди. Бу группалардаги 41 тингловчидан 37 киши имтиҳонларни яхши натижалар блан топширди. Ўтилган темаларга яхши э'тибор қилиб, китоб устида ишлашда мотор-ремонт заводи партия ташкилотининг секретари Разумов, район комсомол комитетининг секретари Образков, район матлубот союзининг раиси Мамасодиқов, «Правда Востока» колхози партия ташкилотининг секретари Эргашев ва бошқа ўртоқлар яхши натижаларга эришдилар.

Бу йил районда партия маорифи соҳасида эришилган бу ғалабаларга аввало пропагандист кадрларнинг яхши танланганлиги сабаб бўлди. Тўгаракларда ва мактабларда дарс ўтиш ва раҳбарлик қилиш ишларига саноат корхоналарининг раҳбар ходимлари жалб этилди. Булар орасида Шаҳрихон ГЭС бошлиғи Флигельман, бош инженер Морозов, «Андижоннефть» конининг директори Арутюнов, зонал станциясининг илмий ходими Тожиева ўртоқлар ҳамда ўқитучилар, инженерлар ва врачлар бор.

Район партия комитети пропагандист кадрларнинг малакасини ошириш юзасидан анча ишлар қилди. Кўпгина пропагандистлар область партия комитети ҳузурида очилган бир ойлик курсларга юборилди. Шаҳарнинг ўзида ҳам партия маорифи раҳбарларининг доимий семинарлари ишлаб турди. Шунингдек, район партия комитети қошида тўгарак ва сиёсий мактаб раҳбарлигига пропагандистлар тайёрлаш мақсадида 3 ойлик курс ташкил этилди.

Ўтган ўқув йилида марксизм-ленинизм назариясини мустақил ўрганаётган коммунистлар блан ишлашда ҳам бирқанча бурилиш ясалди. Бу ўртоқлар блан Ленин—Сталин Асарлари юзасидан алоҳида консультациялар ва суҳбатлар ўтказилди.

Марксизм-ленинизм назариясини ўрганишда қишлоқ хўжалик фанлари кандидати Турка, зонал станциясининг илмий ходими Иванов, Сталин мукофоти лауреати селекционер Румшевич, «Средазнефтьстрой» трестининг бошқаручиси Горбунов ўртоқлар ўз устида қунт блан ишладилар.

Районимизда партия маорифи соҳасида эришилган ғалабалар блан бир қаторда, анчагина муҳим камчиликлар ҳам бор.

Бир қатор сиёсий мактаблар ва тўгараклар ўқув йили учун белгиланган программани тўлиқ ўтаолмадилар. Сайдобод қишлоқ советидаги Ленин номли колхоз партия ташкилоти ҳузурида ташкил этилган партия мактаби (партия ташкилотининг секретари ўртоқ Тошматов, тўгарак раҳбари ўртоқ Қаюмов), шу қишлоқ советидаги «Ленинчи» колхози (партия ташкилотининг секретари ўртоқ Алимов, тўгарак раҳбари ўртоқ Бабушин), Ўзбекистон қишлоқ советидаги Куйбишев номли колхоз (партия ташкилотининг секретари ва тўгарак раҳбари ўртоқ Мўминов), 1-нчи МТС (тўгарак раҳбари Мақсудов) партия ташкилотлари ҳузуридаги тўгарак ва мактаблар ўқув программасини тамомлайолмадилар ва икки йил мобайнида фақат 5 тадан 8 тагача темани ўтдилар, холос. Айрим коммунистлар партия ўқувининг моҳиятига шу кунгача тушуниб етмаганликлари натижасида, дарсларга мунтазам қатнашмаганлар. 2-нчи пахта заводининг бош механиги Собиров, техника та'миноти конторасининг бошлиғи Маҳкамов, ёғ заводининг ходими Купаев ўртоқлар жуда кўп дарсларга иштирок этмаганлар. 1-нчи МТС директори Тарасич ва 2-нчи МТС директори Каипов ўртоқлар дарсга жуда кам келганликлари устига, имтиҳонда ҳам қатнашмадилар. Бу ўртоқларнинг ўз сиёсий билимларини оширишга бепарволик блан қарашлари МТС ишига ҳам катта та'сир қилмоқда.

Район ижроия комитети раисининг муовини ўртоқ Заходякин район партия мактабида ўқигани ҳолда, бирнеча дарсга келмади. Район партия комитети уни чақириб огоҳлантирганда, у мустақил ўқишга ўтказишни талаб қилди. Кейинчалик ўтказилган текшириш натижасида шу нарса аниқландики, ўртоқ Заходякин мустақил ўқишга ўтиш блан умуман ўқувдан чекланишни мақсад қилиб олган экан. У консультацияларга бормади, китоб устида ишламади ва ҳамма вақт «иши кўплигини» баҳона қилиб юрди. Шунингдек, ёғ заводининг директори ўртоқ Парфенов ҳам ўз билим савиясини оширишга қизиқмади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, бошланғич партия ташкилотлари бу коммунистлардан партия уставида коммунистлар зиммасига юкланган мажбуриятларни изчиллик блан бажариш ва партия интизомини мустаҳкамлаш юзасидан етарли талабчанлик қилмадилар. Айрим вақтларда бу коммунистларнинг ўз устларида ишламаётганликлари партия йиғилишларида муҳокама қилинса ҳам, юзаки қарорлар чиқариш блан чегараланилди.

Айрим партия ташкилотлари пропагандистларнинг ишлари устидан етарли назорат ўрнатмадилар. Бундан фойдаланган айрим ўртоқлар сиёсий мактаб ва тўгаракларга раҳбарлик қилиш каби муҳим вазифага мас'улиятсизлик блан қарадилар. Пропагандистлардан—«Средазнефтьстрой» трести бошқаручисининг муовини Апросов, ўт ўчириш командасининг бошлиғи Зайцев ўртоқлар ўзларига юклатилган топшириқларни иккинчи даражалаги кишиларга «топшириб», ўзлари ҳам ўз сиёсий савияларини ошириш соҳасида ишламаганлар. Район партия комитети бу ўртоқларни пропагандистлик вазифаларидан бўшатишга мажбур бўлди.

Район пахтачилик бўлимининг мудири ўртоқ Ғафуровга район партия мактабида қишлоқ хўжалиги экономикаси юзасидан дарс ўтиш топширилган эди. Лекин у, икки йил мобайнида ҳаммаси бўлиб 4—5 марта дарс ўтди, холос. Унинг айби блан жуда кўп дарслар ўтказилмай қолди.

Район партия комитети ва бошланғич партия ташкилотлари коммунистларнинг умумий ма'лумотларини ошириш мактабларининг ишларига раҳбарлик қилмадилар. Ўқув йилининг бошида 25 ерда шундай мактаблар ташкил қилинган эди. Броқ уларнинг кўпчилиги ёпилиб қолди. Карл Маркс номли колхознинг раиси Турдиев, Зарбдор қишлоқ советидаги Куйбишев номли колхознинг раиси Алижонов, «Давлат» колхозининг раиси Қодиров ва бошқа бир қанча ўртоқлар, ўзларига алоҳида ўқитучилар биркитиб қўйилишига қарамай, саводсизликларини тугатмадилар.

Партия маорифи соҳасидаги камчиликлар район партия комитети томонидан ўрганиб чиқилди. Район партия комитетининг яқинда бўлиб ўтган пленуми партия ўқувида ўтган йилги натижаларни ва келгуси ўқув йилида бу ишни нормал йўлга қўйиш юзасидан тузилган конкрет планни муҳокама қилиб чиқди. Пленум партия ўқувининг сифати учун кураш байроғи остида ўтди. Пленум қарорлари асосида ҳозир янги ўқув йилига тайёргарлик ишни қизиб кетди. Бу йил «ВКП(б) тарихи қисқа курси»ни, В. И. Ленин ва И. В. Сталин таржимаи ҳолларини ўрганиш учун янгидан 15 та тўгарак ташкил қилинади. Шунингдек, партия тарихини ўрганиш учун юқори типда 5 та тўгарак ташкил этилади. Мактаб ва тўгарак раҳбарларининг малакаларини ошириш 3 ойлик курси ташкил этилади. Буларда партия ва комсомол активидан иборат пропагандистлар ўқиб чиқадилар. Бундан ташқари, пропагандистларнинг доимий семинарлари мунтазам ишлаб туради.

Район партия комитети бошланғич партия ташкилотларига ўзининг ходимларини юборди. Улар жойларда коммунистлар блан суҳбатлар ўтказадилар, партия мактаблари ва тўгаракларига ўқучиларни билимларига қараб тўғри танлашга ёрдам берадилар.

Район партия кабинетининг ишини яхшилаш юзасидан ҳам алоҳида тадбирлар белгиланди. Ҳозир партия кабинети учун кўпгина ўқув қуроллари ва турли адабиётлар олинди.

Партия маорифи соҳасидаги ишларни тубдан яхшилаш районимизда пахтачиликни ва саноатни ривожлантириш, маданиятни яшнатиш соҳасида ҳам катта ёрдам беради.

Л. ДРОБИНСКИЙ.

Ўзбекистон К(б)П Андижон область, Ленин район комитетининг секретари.



Суратда: Тошкент область, Янгийўл районидаги 2-нчи МТСнинг диспетчери ўртоқ Т. В. Дёмина «Урожай» радио приёмниги орқали бригадаларга топшириқлар бермоқда.

А. Ашкинезер фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ВАТАН

Ватан деса гавдаланар кўзимда—
Коинотнинг ҳусни: қизил харита!
Шоирликнинг у эзгу дафтарида,
Я'ни:
зеҳним,
истакларим,
эсимда —
Она тили,
ота дили,
эрк эли;
Уфқларки, қўшиқ қадар севгили,
Москванинг Кремли,
Коммуна,
Қардош халқлар саломида чин ма'но,
Шонли кеча,
азиз бугун,
зўр эрта:
Миллион қалбдан тўқилган бир
харита!...
Харитаки, уни чизган наққош бор,
Я'ни: ёруғ кундузларга қуёш бор.
Пайқалганми илдизи йўқ тераклар?
Кўрилганми қонсиз тепкан юраклар?
Уналгайми гулчаманлар тупроқсиз?
Қумлоқ чўллар баракасиз, яроқсиз!
Ватан демак—тирикликнинг символи,
Ватан демак—яшашликка жон-мадор,
Барча дун'ё юртларининг эрк йўли,
Ватанимиз қиссасидан миннатдор!..
Бу Ватанни сийналарда асрадик,
Ҳар кунини
севиб,
сийпаб,
сийладик.
Сталиндир Ватанимиз раиси,
Фаслларнинг,
наслларнинг азизи!
Ватан деса гавдаланар кўзимда—
Коинотнинг ҳусни: қизил харита.
Шоирликнинг у эзгу дафтарида,
Я'ни:
зеҳним,
истакларим,
эсимда —
СССРнинг ҳаётбахш соф ҳавоси,
Эркинларнинг дадил азми,
вафоси!..

М. ШАЙХЗОДА.

ҚОЛХОЗЛАРДА АДАБИЙ КЕЧАЛАР

Ўзбекистон Совет ёзучилари союзининг Самарқанд область бўлими колхозларда адабий кечалар ўтказмоқда. Яқинда ёзучилардан Исмоил Акрам, Саид Назар ва Исроил Хўжамуҳаммедовлардан иборат бригада Комсомол районидаги Киров номли колхозда адабий кеча ўтказди. Кечада ёзучилар «Урушга қарши, тинчлик учун» деган темадаги ўз ше'рларини ўқиб бердилар.

Кеча охирида Самарқанд шаҳар хотин-қизлар клуби ҳузуридаги музика тўгарагининг чолғучилари концерт қўйиб бердилар.

Бундай адабий кечалар Жомбой районидаги «Қизил октябрь», Оқдар'ё районидаги «Коммунист», Иштиҳон районидаги «Октябрь» колхозларида ҳам ўтказилди.

М А Т Б У О Т О Б З О Р И

Ўтакетган мас'улиятсизлик

Бу йил социалистик қишлоқ меҳнаткашлари олдида ғоят катта ва муҳим вазифалар турипти. Улар урушдан кейинги сталинча бешйилликнинг охирги йили планини муваффақиятли бажариш ва бу йил ҳарқачонгидан ҳам мўл ҳосил етиштириш учун умумхалқ социалистик мусобақасини кучайтириб юбордилар.

Шу йил май ойининг охирларида республика ва область газеталарида Андижон область меҳнаткашларининг «Ғўзани намунали парвариш қилайлик», Фарғона область пиллачиларининг «Пилла тайёрлаш планини 7 июльгача бажарамиз» деб, республикамизнинг барча қишлоқ хўжалик меҳнаткашларига қарата ёзган мурожаатлари э'лон қилинди. Буларда Андижон ва Фарғона областьларидаги пахтакорлар ва пиллачилар қишлоқ меҳнаткашларини кун сайин кенг миқ'ёсда қизиб бораётган социалистик мусобақага қўшилишга, пахтачиликни ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тормоқларини янада ривожлантириш йўлида ҳормай-толмай курашишга чақирдилар.

Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг бюроси колхозчиларнинг бу ташаббусини ма'қуллади ва барча область, шаҳар ва район партия комитетларига Андижон область пахтакорлари блан Фарғона область пиллачиларининг мурожаатларини колхозчилар, совхоз ва МТС ишчилари ҳамда қишлоқ хўжалиги мутахассисларининг йиғилишларида ҳартарафлама муҳокама қилишни ва шу асосда ғўзани намунали парвариш қилиш, пилла тайёрлаш давлат планини тўла ва ошириб бажариш юзасидан социалистик мусобақани кучайтириб юбориш мажбуриятини юклади.

30 июньда ҳамма газеталарда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг «Июль ойида ғўза парваришини кучайтириш ва ҳосил тўплаш соҳасидаги кечиктириб бўлмайдиган тадбирлар тўғрисида»ги қарори э'лон қилинди.

Шунингдек, 11 июльда 1950 йилда пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун Озарбайжон ССР ва Ўзбекистон ССРнинг пахтакор колхоз, совхоз ва МТСлари ўртасида тузилган социалистик мусобақа шартномаси каби яна бир муҳим ҳужжат босилиб чиқди.

Республикамизнинг халқ хўжалигини бундан буён яна ҳам юксалтиришга қаратилган бу муҳим сиёсий ҳужжатлар Ўзбекистон К(б)П Денов район комитети ва меҳнаткашлар депутатлари Денов район Совети ижроия комитетининг органи «Қизил Денов» газетасида ҳам босилиб чиқди. Газета редакцияси бу сиёсий ва мас'улиятли ҳужжатларни кенг пропаганда қилиш учун, аввало, бу қарор ва мурожаатларнинг тўғри, сўзмасўз ва тўла-тўкис кўчириб босилишига алоҳида аҳамият бериши керак эди. Броқ, «Қизил Денов» газетасининг редакцияси бундай қилмади. Газетанинг мас'ул муҳаррири ўртоқ И. Розиқов ўз вазифасига мас'улиятсизлик блан қараб келаётганлиги орқасида партия ва ҳукумат томонидан э'лон қилинган ҳужжатларнинг мазмуни қишлоқ оммасига тўла ва тўғри етказилмади, балки уларни кўчириб босишда жуда кўп қўпол хатоларга ва ноаниқликларга йўл қўйилди.

Масалан, «Қизил Денов» газетасининг 31-нчи сонида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг «Июль ойида ғўза парваришини кучайтириш ва ҳосил тўплаш соҳасидаги кечиктириб бўлмайдиган тадбирлар тўғрисида»ги қарори босилган. Аммо газетанинг муҳаррири вазифасини вақтинча бажаручи ўртоқ Қулаҳмедов (Ўзбекистон К(б)П Денов район комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири) газетанинг шу сонига қўл қўяр экан, бу муҳим сиёсий ҳужжатни босиб чиқаришга, худди ўртоқ Розиқов каби, ўтакетган даражада мас'улиятсизлик блан қараган.

Аввало қарордаги бирқанча жумла ва сўз тушириб қолдирилган. Ба'зи жойларда эса қарорга редакция томонидан ўзгартиришлар киритилган. Натижада, айрим абзацлар тамомила тушуниб бўлмайдиган даражага келтирилган. Қарорнинг биринчи абзацидаги:

«Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитети июль ойи — ғўзани ривожлантиришда энг мас'улиятли давр ва бу ойда ҳосилнинг энг асосий юқори сифатли қисми тўпланади ва етилади деб ҳисоблайдилар».

деган жумлани редакция ўзбошимчалик блан бутунлай ўзгартириб,

«Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитети июль ойи ғўзанинг ривожланишида энг мас'улиятли қисм тўпланади ва етилади»

деб ёзган. Кўриниб туриптики, қарордаги энг муҳим жумла ҳечқандай ма'но чиқмайдиган ва тушуниб бўлмайдиган сўзлар тўпламига айлантириб қўйилган.

Яна бир ерда:

«Шу сабабли партия, совет, қишлоқ хўжалик ва сув хўжалиги органларининг, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мутахассисларининг»

деган сўзлар

«Шу сабабли партия, совет, қишлоқ хўжалик ва сув хўжалик мутахассисларининг»

деб ёзилган.

Бундай фактларни яна келтириш мумкин эди. Бизни кўпроқ ажаблантирган нарса яна шу бўлдики, ўз ишига бепарво қараётган муҳаррир шу қарорни кўчириб ёзишда 34 та имловий, орфографик ва стилистик хатога йўл қўйган. Масалан, **ишлаганда** сўзи **«ишлаоганда»**, **хавф** сўзи **«хоф»**, **бригада** сўзи **«брига»**, **бўлиши** сўзи **«қўйилиш»**, **министрлик** сўзи **«миничтрлиги»**, **Қорақалпоғистон** сўзи **«Қорақопоғистон»**, **Учқўрғон** сўзи **«Учғўрғон»**, **пахтадан** сўзи **«пахтан»** шаклида бузиб ёзилган ва ҳоказо. Муҳим сиёсий ҳужжатни бунчалик бузиб ёзиш кечирилмас бир ҳолдир.

Худди шундай хатоларга газетанинг 32-нчи сонида босилган, Озарбайжон ССР ва Ўзбекистон ССР пахтакор колхоз, совхоз ва МТСлари ўртасида тузилган социалистик мусобақа шартномасини кўчириб босилганда ҳам йўл қўйилган. Ҳатто шу шартноманинг тагига қўл қўйган ўртоқларнинг исми ва фамилияларини тўғри ёзишга э'тибор берилмаган. Ба'зи жойларда эса аёлларнинг номини бузиб, эркакларнинг номи қилиб берилган. Бу сонга газетанинг мас'ул муҳаррири ўртоқ И. Розиқовнинг ўзи қўл қўйган.

«Қизил Денов» газетаси саҳифаларида бундай хатолар тез-тез учраб туради. Биз Ўзбекистон К(б)П Денов район комитети ўз органи бўлган «Қизил Денов» газетасига раҳбарликни кучайтирар, газетада йўл қўйилган камчиликларни тугатишга ёрдам берар, ўз вазифасига мас'улиятсизлик блан қараётган ўртоқларга нисбатан чора кўрар деб ишонамиз.

Колхозчилар учун лекция ва суҳбатлар

Тошкент область, Ўртачирчиқ район партия комитетининг пропаганда ва агитация бўлими, район меҳнаткашлари ўртасида сиёсий тарбия ишларини янада яхшилаш мақсадида лекторлар группаси ташкил қилди. Лекторлар группасининг составига врачлар, агрономлар ва ўқитучилар кирди.

Ҳосилга ҳосил қўшиш учун қизғин кураш бораётган ҳозирги кунларда колхозчилар ўртасида турли темаларда лекция ва суҳбатлар ўтказилмоқда. Лектор ўртоқ Эргашев «Москва» ва Шверник номли колхозларнинг а'золари ўртасида «Дин ва унинг реакцион моҳияти» деган темада, лектор Раҳимов «Халқаро аҳвол» тўғрисида, ўртоқ Ҳусанов «Пахтадан нималар қилинади» деган темада лекция ўқидилар.

Район марказидан узоқда бўлган колхозларга ҳам кўчма кинолар, лекторлар чиқарилди. Колхозчиларга маданий хизматни янада яхшилаш мақсадида 16 та кўчма кино аппарати колхозма-колхоз юриб, колхозчиларга кинофильмлар кўрсатмоқда. Шу блан бирга, ҳарбир колхозда агитаторлар колхозчиларга кундалик газета янгиликларини ўқиб бермоқдалар.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг Мактуби барча колхозда муҳокама қилинди. Колхозчилар Мактуб асосида фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Р. НОРЖИГИТОВ.

Босилмаган хабарлар изидан

Редакциямизга келган бир хабарда Тошкент область, Қорасув районининг маркази—Қўйлиқ қишлоғида аҳоли учун газета, журналлар ва турли брошюралар сотадиган дўконлар йўқлиги, меҳнаткашлар газета, журналларни сотиб олиш учун 2 километр узоқликда бўлган Оқуй қишлоғига қатнаётганликлари кўрсатилган эди.

Қорасув район ижроия комитети бу хабар юзасидан текшириш ўтказиб, унда кўрсатилган фактларни тўғри деб топди.

Район ижроия комитети Қўйлиқ қишлоғида газета, журналлар сотадиган дўкон очиш ҳақида район алоқа бўлимига топшириқ берди. Ҳозир Қўйлиқ қишлоғида дўкон очилиб, унда газета, журналлар сотилмоқда.

Тифлис қаҳрамон темирйўлчилари стачкасининг 50 йиллиги

Бундан эллик йил муқаддам Тифлис Бош темир йўл ишхоналари ва депо ишчилари чор ҳукуматига ва капиталистларга қарши ташкилий суратда сиёсий кураш олиб борабошладилар. Бу кураш кейинчалик жуда катта стачкага айланди. Ишташлаш ҳаракати бошқа корхоналарнинг ишчилари орасига ҳам ёйилди. Бу ишташлашни ўртоқ Сталин етакчилигидаги марказий социал-демократик группа уюштирди.

Тифлис ишчиларининг сиёсий намойиши уларнинг синфий онги ўсганлигини, улар ташкилий жиҳатдан пухта уюшганликларини кўрсатди. Тифлис ишчилари ўртоқ Сталин туфайли ва унинг Грузия ҳамда Закавказьеда революцион кураш бошланган чоқда ишлаган сафдошлари Ал. Цулукидзе ва Ладо Кецховелилар туфайли бунга эришдилар.

В. И. Ленин 1897 йилда рус социал-демократларининг вазифалари тўғрисида бундай деб ёзган эди: «Рус социал демократларининг социалистик иши илмий социализм та'лимотини пропаганда қилишдан, ҳозирги ижтимоий-иқтисодий тузум, унинг асослари ва ривожланиши тўғрисидаги, рус жамиятида бўлган турли синфлар тўғрисидаги, уларнинг бир-бирларига бўлган муносабатлари тўғрисидаги, шу синфларнинг ўзаро курашишлари тўғрисидаги, ишчилар синфининг шу курашда тутган роли тўғрисидаги... бу курашда ишчилар синфининг роли ҳақидаги тўғри тушунчани ишчилар орасига ёйишдан иборат» (Асарлар, 2 том, ўзбекча нашри, 357 бет). В. И. Ленин шу мақоласида социал-демократларни «ишчиларнинг иш куни, иш ҳақи, меҳнат шароити ва шу сингарилар учун капиталистлар блан бўладиган ҳамма тўқинишларида» бевосита қатнашиш ва «хўжайинлар олдига қўядиган талабларини аниқ ва амалий тарзда та'бирлаш»да ишчиларга ёрдам беришга чақирди. Шундай қилиб, Ленин синфий кураш ва илмий социализм ғояларини кенг ишчилар оммаси орасига ёйишни энг муҳим вазифа деб ҳисоблади.

Ўртоқ Сталин ҳам Тифлис социал-демократлари олдига худди шундай вазифаларни қўйди.

«Тифлис марказий социал-демократлар группаси 1898 — 1900 йиллар мобайнида яширин социал-демократик партия ташкилотини тузиш соҳасида революцион-пропаганда ишларини ва ташкилий ишларни кенг миқ'ёсда уюштирди; марказий партия группасининг а'золари зўр ғайрат блан революцион пропаганда олиб бордилар, уларнинг ҳарбири ишчи тўгаракларига раҳбарлик қилди. Биргина ўртоқ Сталиннинг ўзи социал-демократ ишчиларнинг 8 дан ортиқ тўгарагига раҳбарлик қилар эди» (Л. Берия. «Закавказьедаги большевистик ташкилотлар тарихи тўғрисидаги масалага доир», 1948 йил, 22 — 23 бетлар).

Ўртоқ Сталин 1926 йилда ўзини табриклаган Тифлис ишчиларига бундай деган эди:

«Мен 1898 йилни хотирлайман. Ўша вақтда мен темир йўл ишхоналарининг ишчиларидан иборат тўгаракчи биринчи марта олган эдим... Бу ерда шу ўртоқлар орасида, мен ўша вақтда биринчи жанговар революцион сабоқ олдим...».

1898 — 1900 йилларда Тифлис ишчилари ҳам революцион руҳда чиниқдилар. Ўша йилларда Тифлисдаги Бош темир йўл ишхоналарида, Бозарджянц фабрикасида, Одилхоновнинг кўнчилик заводида ва трамвай ишхонасида ўртоқ Сталиннинг раҳбарлиги остида бирнеча марта ишташлаш ва биринчи Май намойишлари ўтказилди.

Ўртоқ Сталин ишчиларни вазиятни чинакам марксистча англашга ўргатди, уларни чор ҳукуматига ва капитализмга қарши ҳужумга бошлаб борди. Ўртоқ Сталиннинг бу ишлари 1900 йил август ойида бўлган ишташлашда яққол кўрилди. Чор Россиясидаги кенг ишчилар оммаси бу ишташлашни қизғин ма'қуллади. Август ойидаги ишташлаш Закавказье ва Грузиядаги революцион кураш тарихида порлоқ саҳифа очди.

Ўша вақтларда Тифлисдаги темир йўл ишхоналарида ва депода, шунингдек бошқа корхоналарда ишчилар шафқатсиз эксплоатация қилинмоқда эди.

1898 йилнинг декабрь ойида ўртоқ Сталиннинг ташаббуси блан ишташлаш э'лон қилинди. Бундан қути учган ма'мурият иш ташлаган ишчиларнинг талабларини қондиришга рози бўлди. Аммо ишташлаш тамом бўлганидан кейин, ма'мурият ўз ва'даларини бажармади. Ма'мурият ўзига ёқмаган ишчиларни ишдан бўшатди, бригадир ва мастерлар тайинлайбошлади. Илғор ишчиларни та'қиб этиш ва улар тўғрисида хабар бериб туриш ана шу бригада ва мастерларнинг зиммасига юкланган эди.

Ўртоқ Сталин бундай шароитда ишташлаш уюштиришга ва социал-демократ ишчиларни сиёсий кураш йўлига олиб чиқишга қарор берди. М. И. Калинин, Л. Кецховели, А. Жапаридзе за илғор ишчилардан С. Аллилуев, В. Стуруа, З. Чодришвили, М. Бочоридзе ва бошқалар ўртоқ Сталинга актив ёрдам бердилар. Улар ишчиларнинг бошқа вакиллари блан биргаликда, ўртоқ Сталиннинг бевосита раҳбарлиги остида ишташлаш планини туздилар ва корхона ма'мурияти олдига қўйиладиган талабларни белгилаб чиқдилар.

1900 йил 11 июльда токарьлик цехининг икки юз ишчиси ма'муриятдан тунги ишларни бекор қилишни талаб этди ва бунга Тифлисда июльнинг иссиқ кунларида 18 — 20 соатлаб ишлашнинг мумкин эмаслигини сабаб қилиб кўрсатди. 28 июльда вагон цехининг ишчилари ҳам бу талабларга қўшилдилар.

Ма'мурият бригадирлар орқали дўқ уриб, ишчиларни қўрқитмоқчи бўлди. Аммо бундан ҳечқандай натижа чиқмади.

30 июльда цехлар вакилларининг мажлиси бўлди. Ишчилар бу мажлисда иш соатларидан ташқари тунги пайтларда ишлашни йўқотиш, иш ҳақини ошириш, штрафларни бекор қилиш, ишчиларга қўпол муомала қилишни тақиқлаш, қамоққа олинган ўртоқларни бўшатиш ва бошқа талабларни илгари сурдилар. Ма'мурият бу талабларга жавобан, та'қиб чораларини кучайтирди. 31 июль кечаси илғор ишчилардан 68 киши қамоққа олинди.

Ишчилар бундан хабар топиб, 1 августда (эски ҳисоб блан) иш ташладилар. Токарьлик цехининг ишчилари биринчи бўлиб ишни тўхтатдилар. Вагон ва йиғув цехларининг ишчилари ҳам уларга қўшилдилар.

Эрта блан соат 9 ларда Тифлис Бош темир йўл ишхоналари ва депонинг ҳамма ишчилари иш ташладилар. Ма'мурият ҳам дарҳол чора кўрди. Ҳарбий қисмлар чақирилди, неча юзлаб полиция ходимлари дарҳол етиб келди. Аммо улар шаҳар кўчаларига чиққан ишчиларнинг ҳамласига бардош беролмас эдилар.

Шу куни иш ташлаган ишчилар янги талабномаларни тайёрладилар. Бу талабномалар 2 августда Закавказье темир йўлининг бошлиғига топширилди. Ваҳимага тушиб қолган бошлиқ ишташлашни ис'ён деб баҳолади. Олтинчи августда Тифлисда ҳарбий ҳолат э'лон қилинди.

Шундан икки кун кейин, қамоққа олинган ишчиларнинг хотинлари шаҳар кўчаларида намойиш уюштириб, генерал-губернатор ҳузурига бордилар ва ўз эрларининг қамоқдан бўшатилишини талаб қилдилар. Бу, Закавказьеда хотин-қизларнинг биринчи намойиши эди. Уларнинг ана шу мардона ҳаракати ишташловчиларни янада руҳлантириб юборди. Ишташлаш комитети 9 августда ишташловчиларга қуйидаги чақириқ блан мурожаат қилди:

«Ўртоқлар! Қонуннинг ижро этилишини талаб қилаётганлигимиз учун бизларни қамоққа олмоқдалар. Демак, ҳукумат бизларни алдаш, лақиллатиш учун қонунлар чиқармоқда.

Жуда оз иш ҳақининг оширилишини талаб қилаётганлигимиз учун бизларни қамоққа олмоқдалар. Демак, ҳукумат ярим оч, ваҳшиёна ҳаёт кечиришимизни истайди.

Бизларни одам ўрнида кўришларини талаб қилаётганлигимиз учун қамоққа олмоқдалар. Демак, ҳукумат бизларни оёқларини қимирлатишга ҳам ҳаққи бўлмаган мол ўрнида кўради.

Қардошлар, буни эсда тутайлик! Ҳукумат блан ҳисоблашиш куни келганида (бу кун узоқ эмас) ундан жавоб беришни талаб этамиз.

— Қардошлар, эндиликда ўз талабларимизни аҳиллик блан қувватлайлик ва қонимизни тўкучиларга ҳамда уларнинг малайларига ва ҳукуматга аянчли қуллар ва тилсиз ҳайвонлар блан эмас, балки талаб қилаоладиган, курашаоладиган ва ағар зарур бўлса, муқаддас иш учун жафо чекаоладиган кишилар блан иш кўраётганликларини кўрсатайлик.

Дўст — ўртоқлар! Ҳамжиҳат бўлиб, ғалаба сари борайлик!..».

Бу мурожаат неча минг нусхалаб тарқатилди ва ишчиларнинг ғайратига ғайрат қўшди.

Полиция бошлиғи, полиция ходимлари бутун тун бўйи деворларга ёпиштирилган юзларча мурожаатларни йиртиб ташладилар. Аммо улар ишчиларнинг овозини бўғолмадилар, деб ёзган эди.

Жазо чоралари давом этдирилаберди. 15 августгача 884 киши қамоққа олинди.

Архив материалларидан ма'лум бўлишича, Тифлис марказий социал-демократлар группаси томонидан олиб борилган тайёргарлик ишлари натижасида шундай кенг миқ'ёсда иш ташланганлигини полиция билар эди. Аммо полиция бутун ҳаракатнинг илҳомчиси бўлган ўртоқ Сталинни тополмади.

Ҳукумат томонидан қаттиқ жазо чоралари кўрилиши натижасида ўнбеш кун ўтгандан кейин ишташлаш тўхтаб қолди. Аммо ишчиларни енгилган деб ҳисоблаб бўлмас эди. Ишташлаш ҳаракатидан қути учган ма'мурият, гарчи аста-секин бўлса ҳам, ишчиларга ён берди ва уларнинг талабларини қондирабошлади.

Август ойидаги ишташлашлар Закавказье ишчиларининг сиёсий жиҳатдан етилганлигини ва ўзларининг синфий манфаатларини аниқ тушунганликларини кўрсатди. Бу ишташлаш Закавказьеда синфий курашни кучайтириб юборди ва Грузия ҳамда Закавказье ишчилар синфини бутун Россиядаги революцион ҳаракат блан бевосита боғлади.

Август ойидаги ишташлаш ўртоқ Сталин ва унинг сафдошлари томонидан амалга оширилган революцион кураш методларини ишчилар ҳаракатига ёйди. Ўртоқ Сталин раҳбарлик қилган Закавказье ишчилар синфи ўз сафларидаги уюшқоқлик ва бирлик ғоят зўр эканлигини чор ҳукуматига кўрсатди.

Ленин «Искра»си август ойидаги ишташлашнинг аҳамиятига баҳо бериб, 1901 йилда бундай деб ёзган эди: 1900 йилда январь ойидан бошлаб октябрьгача давом этган ишчилар ҳаракати «темир йўл ишхоналарида катта стачка бошланиши блан тамом бўлди. Бу ишхоналарда 4.000 ишчи ишни тўхтатиб, ҳукуматдан иш вақтини 8 соатгача камайтиришни, иш ҳақининг оширилишини ва меҳнат шароитининг яхшиланишини талаб этди. Стачка 15 кун давом этди. Чор ҳукуматининг қўшинлари шаҳарни ўраб олдилар. Чор ҳукумати 1.500 дан ортиқ ишчини қамоққа олди ва уларнинг кўпчилигини «юртига»! сургун қилди, ба'зи ишчиларни зўрлик блан ишга ҳайдаб борди ва ҳоказо. Ишчилар иш бошладилар. Ўша вақтдан буён жандармлар, учраган ҳарбир кишини қўлга олиб, қамайбошлайдилар. Жандармлар Россиядан келтирилган жосусларни шаҳарнинг ҳамма қисмига тарқатиб, ишхоналар ва фабрикаларни иғвогарлар блан тўлдириб, ишчилар ҳаракатининг юксалишига йўл очадиган ҳарқандай имкониятни йўқотаолдик, деб ўйлар эдилар. Аммо, улар Тифлисдаги ишчилар ҳаракати «кучайиб ва кенгайиб бораётганлиги»га тез орада ишонч ҳосил қилдилар. Жандармлар ўз бошлиғи, ички ишлар министридан жосуслар корпусини кучайтириш учун яна қарз беришни сўраганларида, шундай деган эдилар» («Искра» газетасининг 1901 йил 6 декабрьда чиққан 12-нчи сони).

Тифлис ишчилари кейинги йилларда чор ҳукуматига ва капиталистларга қарши янада қаттиқ курашдилар ва ишчилар синфининг улуг устози ўртоқ Сталин чизиб берган жанговар йўлдан бордилар.

Закавказье ишчилар синфи ўзининг кураши блан йигирманчи асрга йўл очиб берди ва рус ишчилар синфи блан биргаликда дадил олга борди. Рус ишчилар синфи Ленин ва Сталиннинг раҳбарлиги остида чор тузумини, капиталистик қулликни абадий тугатди, инсоният тарихида биринчи марта социализмга, порлоқ истиқболга йўл очиб берди.

Симон ЧИКОВАНИ.

„Қуриш учун билмоқ керак, фанни эгалламоқ керак. Билиш учун эса ўқимоқ керак. Тиришиб, бардош блан ўқимоқ керак". *(И. В. СТАЛИН).*

Ёш наслни коммунистик рухда тарбиялаймиз

Совет Иттифоқида мактаб ёшидаги болалар учун умумий мажбурий та'лим жорий қилинган. Совет Ўзбекистонида ҳам умумий мажбурий та'лимни амалга ошириш соҳасида анча иш қилинди. Республикамизнинг пойтахти Тошкент шаҳрида мактаб-маориф ишларида катта муваффақиятларга эришилди. 1948—49 ўқув йилида Тошкентдаги 119 та мактабда 89 минг 423 ўқувчи та'лим олган бўлса, 1949—50 ўқув йилида 125 та мактабда 93 минг 713 ўқувчи, шу жумладан 33 минг 533 ўзбек боласи ўқиди.

Тошкент шаҳрининг халқ маориф органлари ва мактаблари партия ва совет ташкилотларининг бевосита раҳбарлиги остида 1949—50 ўқув йилида мактабларда ўқиш-тарбия ишларини яхшилаш соҳасида анча иш қилдилар. Агар 1947—48 ўқув йилида 65.083 бола синфдан-синфга ўтган бўлса, 1949—50 ўқув йилида 79.966 бола синфдан-синфга ўтди. 10-нчи синфни тамомлаган болаларнинг сони ҳам анча кўпайди.

Дарсларни а'ло ва яхши ўзлаштирган ўқувчиларнинг сони кўпайганлиги ҳам ўқиш-тарбия ишларининг сифати яхшиланганлигидан далолат беради. 1947—48 ўқув йилида а'ло ўқиганлари ва намунали ахлоқлари учун 105 йигит ва қиз олтин ва кумуш медаль блан мукофотланди, шу жумладан 21 ўзбек йигит ва қизи олтин ва кумуш медаль олди. 1948—49 ўқув йилида эса 173 киши, шу жумладан 58 ўзбек йигит ва қизи олтин ва кумуш медаль олди. Ўтган 1949—50 ўқув йилида мактабларни тамомлаб чиққан 1.370 болалардан 245 таси, шу жумладан 63 ўзбек йигит ва қизи олтин ва кумуш медаль блан мукофотланди.

Шаҳар мактабларида ўтган ўқув йилининг биринчи чорагида ўқувчиларнинг 19,3 процента дарсларни ўзлаштираолмаган эди, тўртинчи чоракда эса ўзлаштирмовчи ўқувчиларнинг сони 12,6 процентгача камайди.

Кўп мактаблар, шу жумладан 44, 38, 50, 14, 97, 59, 80, 28-нчи ва бошқа мактаблар ўқув-тарбия ишларида яхши натижаларга эришдилар. Х. Алимов, О. Шарафиддинов, Сухопарова, Белоусова, С. Мазитова ва бошқа шулар каби педагоглар ўқувчиларга чуқур ва мустаҳкам билим бераолдилар.

Мактабларнинг моддий базаси мустаҳкамланди, педагогик кадрлар ўсди, партия, совет ташкилотлари ва кенг жамоатчилик мактаблар ҳақида ҳар доим ғамхўрлик қилиб турди — буларнинг ҳаммаси ўқув-тарбия ишларини яхшилаш учун шароит яратиб берди.

Халқимиз мактабларга тобора кўпроқ ёрдам бермоқда. Жамоатчиликнинг ташаббуси блан шаҳарда мактабларни янги ўқув йилига тайёрлаш юзасидан социалистик мусобақа қизитиб юборилди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, бу йил мактабларни янги ўқув йилига тайёрлаш, ремонт ишлари ўтган йилларгадан анча илгари бошланди. Бу ишда партия ва совет ташкилотлари, оталикка олган корхоналар ва ота-оналар катта ёрдам бердилар. Натижада, барча мактабларнинг ремонти 1 августга қадар тамомланди. Москва ва Киров районларида мактабларни янги ўқув йилига тайёрлаш айниқса яхши ўтказилди. Москва районидаги 42-нчи мактаб (директори ўртоқ Колманов), Лечин районидаги 53-нчи мактаб (директори ўртоқ Долгов), Киров районидаги 20-нчи мактаб (директори ўртоқ Зуннунов) ремонт ишларини 1 июльга қадар тамомладилар.

Мактабларни оталикка олган ташкилотлар ва корхоналар ичида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Қурилиш материаллари бошқармаси (бошқаручиси ўртоқ Казарьянц), Чкалов номли завод (директори ўртоқ Гуськов), Сталин номли Тошкент тўқимачилик комбинати (директори ўртоқ Мусахонов) айниқса катта ёрдам бердилар.

Ҳамма районларда ўқувчилар сони белгилаб чиқилди ва улар рўйхатга олинди. Кўп мактаблар ҳозирданоқ дарсликлар ва ўқув-ёзув аш'ёлари блан та'минландилар.

Ўқитувчи кадрлар состави кўриб чиқилди. Барча директорлар ва илмий бўлим мудирлари аттестациядан ўтказилди. Мактабларни ўқитувчилар блан та'минлаш соҳасида ҳам жиддий иш олиб борилмоқда.

Ўқитувчиларга амалий ёрдам бериш мақсадида шаҳар халқ маорифи бўлими бу йил ўқитувчиларнинг малакасини ошириш юзасидан бир ойлик курслар ташкил этди. Ҳозирги вақтда 1—3 синф ўқитувчилари учун семинарлар ўтказилмоқда. Ўқитувчиларнинг август кочгашлари ҳам катта ёрдам бериш турган гап.

Биз мактаблар ремонтини тугатдик, деб хотиржам бўлиб қололмаймиз. Эндиликда мактабларнинг ободонлигига алоҳида эътибор қилишимиз керак.

1950—51 ўқув йили учун ўқиш ишлари планини тузиш ҳам жуда катта аҳамиятга эгадир. Шунингдек, район халқ маориф бўлимларининг раҳбарлари методик консультацияларни ташкил этишга алоҳида эътибор беришлари лозим.

Эттийиллик умумий мажбурий та'лимни сўзсиз амалга ошириш—халқ маорифи бўлимларининг шарафли бурчидир.

Эртага мамлакатимизнинг мактабларида умумий мажбурий та'лимни жорий қилиш ҳақида сталинча қонун қабул қилинганига 20 йил тўлади. Биз бу кунни мактабларни янги ўқув йилига тайёрлашда ва эттийиллик мажбурий та'лимни амалга оширишда янги муваффақиятлар блан кутиб олаётирмиз.

Умумий мажбурий та'лим вазифаларини амалга оширишда жамоатчилик блан биргаликда иш олиб бориш жуда муҳимдир. Бу, меҳнаткашларни коммунистик рухда тарбиялашнинг энг муҳим қисми бўлган умумий мажбурий та'лимни тўла амалга оширишда ҳал қилучи роль ўйнайди.

Р. ЭГАМБЕРДИЕВ.
Тошкент шаҳар халқ маориф бўлимининг мудири.



Ўзбекистон Китоб савдоси конторасининг Тошкент бўлими шаҳар мактабларида китоб савдосини ташкил этди. Суратда: Тошкент шаҳар, Октябрь районидаги 75-нчи мактабда ўртоқ С. Ҳошимова китоб савдосини яхши ташкил этди. Мактабнинг ўқучилари дарсликлар сотиб олмоқдалар.

И. Глауберзон фотоси.

Янги ўқув йилини яхши тайёргарлик блан кутиб олмоқдамиз

Биз шонли большевиклар партияси, совет ҳукумати ва шахсан севикли ўртоқ Сталининг оталарча ғамхўрлиги туфайли, 1949—1950-нчи ўқув йилини анча яхши кўрсаткичлар блан якунлашга муваффақ бўлдик.

Маҳаллий партия, совет, комсомол, касаба союз ташкилотлари ва кенг жамоатчиликнинг ёрдами блан умумий-мажбурий та'лим плани ошириб бажарилди. Ўқувчиларнинг ўқишни ташлаб кетиш ҳоллари юз бермади, 1947—1948-нчи ўқув йилида VII—VIII—IX—X синфларни тамомламай кетган қизлар қайтадан ўқишга тортилди. Ўқув йили давомида 1.180 қиз ўқитилди. I—III синфларда ўқиган 1049 ўқувчидан 1034 таси синфдан-синфга кўчирилди. Синфда қолганларнинг сони сезиларли даражада камайди.

IV—X синфларда 1.126 ўқувчидан 1.063 таси синов имтиҳонларига киритилди. Синов имтиҳонига қўйилганларнинг 94,5 проценти синов ва имтиҳонлардан муваффақиятли ўтди.

Ворошилов номли ўрта мактабда (директори — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи ўртоқ Х. Искандаров) ўқув йили яхши якунланди. I—IX синфлардаги ҳамма ўқувчи синфдан-синфга кўчирилди. Мактабни 39 бола 4 ва 5 баҳолар блан тамомлаб чиқди. Ўрта мактабни тамомлаганларнинг ҳаммаси Москва, Ленинград, Тошкент ва Самарқанддаги олий ўқув юртларига юборилди. Мактабларни олтин ва кумуш медаль блан тамомлаган ўқувчилардан Шариф Рўзиматов, Мар'ям Муллаева, Полвон Ражабов ўртоқлар САГУ, ЎзГУ ва ТАШМИга имтиҳонсиз қабул қилиндилар.

— Биз дастлабки муваффақиятлар блан хотиржам бўлиб қололмаймиз. Ҳали олдимизда кўпгина қилинмаган ишлар бор. Биз янги ўқув йилида янада муваффақиятли ишлаш учун ҳозирданоқ пухта замин тайёрлашимиз керак. Биз Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг шу йил 16 мартда «Мактабларни 1950—51 ўқув йилига тайёрлаш тўғрисида» қабул қилган қарорини изчиллик блан амалга ошириб, 2 та ўрта, 4 та 7 йиллик мактаб биносини сифатли капитал ремонтдан чиқардик. Ворошилов номли, Пушкин номли, Киров номли, Қурбонота Исмоилов номли, М. Горький номли мактабларимиз янги ўқув йилига тайёр қизинди. Мактабнинг химия, физика, биология, адабиёт, география лабораторияларини ва кабинетлари қайта ускуналаниди, жуда кўп миқдорда янги жиҳоз олинди.

Янги ўқув йилида ўқийдиган ёшларни рўйхатга олиш пухта ўтказилди. Такрор ўтказилган текширишда ўқув ёшидаги болаларнинг сони пландагидан анча кўп эканлиги аниқланди.

Биз 1950 — 51-нчи ўқув йилида икки синфли кўрлар мактаби, гаранг ва соқовлар учун уч синфли мактаб очамиз. Бу мактаблар учун яхши бинолар ажратилиб, ремонт қилинди, шунингдек саноат корхоналарида, заводларда, ҳунармандчилик артельларида ишлаётган ишчи ёшларнинг кечки мактабларида ҳам янги ўқув йилига катта тайёргарлик кўрилди.

Биз янги ўқув йили олдидан каникулда юрган ўқувчиларнинг маданий дам олишларига катта эътибор бердик. 100 ўқувчи Ватанимизнинг турли санаторий ва пионер лагерларига юборилди.

Биз мактаб бинолари ва ўқув қуроллари, парта, доскаларни ремонт қилишда мавжуд имкониятлардан тўла фойдаландик. Шаҳар болалар техника станциясининг ҳунар ўрганучи ёшларидан иборат махсус бригада тузилди ва улар 157 парта, 42 доскани яхшилаб ремонт қилиб, сифатли бўядилар. Ўртоқ Самандаров директорлик қилаётган Молотов номли еттийиллик мактабда янгидан география кабинети учун янги стол-стуллар ишланди.

Мактабларимизда ўқувчиларни дарсликлар блан та'мин қилиш учун ҳозирданоқ чора кўрилди. Ўзбек мактаблари учун қўшимча равишда 43 номда 5.141 та, рус мактаблари учун 2.150 та янги дарслик олинди. 20 минг та дафтар ва етарли миқдорда қалам, ручка, перо келтирилди.

Мактабларни 1950—51-нчи ўқув йилига тайёрлашда ўқитувчилар ҳал қилучи роль ўйнайдилар. Ўқиш-ўқитишнинг сифати кўп жиҳатдан ўқитувчи кадрларга боғлиқ. Шунинг учун ўқитувчилар составини йил сайин мустаҳкамлаётирмиз. Тугалланмаган олий маълумотли ўқитувчиларнинг ҳаммаси олий маълумот олиш учун Ватанимизнинг турли олий ўқув юртларида сиртдан ўқишга тортилди. 58 та ўрта маълумотли ўқитувчимиз Урганчдаги сиртқи ўқитувчилар институтида, 17 ўқитувчи физика, математика ва рус тили ўқитувчиларини қайта тайёрлаш бир ойлик семинарида ўқитилди.

Биз янги ўқув йилини тўла тайёр ҳолда кутиб олиш блан, ҳамма имконият ва резервларни ишга солиб, 1950—51-нчи ўқув йилида мактабларнинг нормал ишлашини та'минлаймиз.

Н. ИСМОИЛОВ.
Хоразм область, Хева шаҳар халқ маориф бўлимининг мудири.

Улуғ Сталиннинг ғамхўрлигига жавобан

1949—50 ўқув йилида мактабимизда 929 қиз ўқиди. Ўқиш-ўқитиш ишлари яхши йўлга қўйилганлиги учун, фақатгина 16 қиз синфда қолди ва 8 қиз кузги синовларга қолдирилди.

Ўтган йили 10-нчи синфни 20 қиз тамомлаб чиқди. Кўп қизлар 5 ва 4 баҳога имтиҳон топширдилар. Ҳар доим жуда яхши ўқиб келган, етуклик аттестатига 5 баҳо блан имтиҳон топширган қизлардан Саври Исроилова, Мастура Шокирова, Раиса Самигуллина олтин медаль блан, Санобар Камолова кумуш медаль блан мукофотландилар.

Мактабимизнинг педагогик коллективи намунали ишламоқда. Ойша Боязитова ўқитаётган 2 «а» синфи, Сайёра Маҳмудова ўқитаётган 2 «в» синфи, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитучи Муқаддам Қосимова ўқитаётган 3 «а» ва 3 «б» синфлари, Убайдулла Салоҳиддинов куратор бўлган 5 «в» синфи, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитучи, Ленин ордени М. Содиқов куратор бўлган 7 синфнинг ўқучилари 1949—50 ўқув йилида дарсларни 100 процент ўзлаштирдилар.

Мактабимиз коллективи умумий мажбурий та'лим олиши керак бўлган 7 ёшдан 15 ёшгача қизларнинг ҳаммасини ўқишга тортиш соҳасида астойдил ишлади. Мактабимиз хизмат қиладиган 4 та маҳалладаги 15 ёшгача бўлган 763 қизнинг ҳаммаси ўқишга тортилди.

Маданий маориф соҳасидаги вазифаларни тўла амалга оширишда ўқитучиларнинг зиммасига жуда катта вазифалар юкланади. Та'лим берувчиларнинг ўзлари маълумотли, маданий кишилар бўлишлари керак. Мактабимиздаги 37 ўқитучидан 17 нини олий маълумотга эга. Биз ҳамма ўқитучиларнинг олий маълумотли бўлиши учун курашаётирмиз. Ҳозир 4 ўқитучи кечки педагогика институтида, 2 ўқитучи сиртқи институтларда, 1 ўқитучимиз Ўрта Осиё Давлат университетининг V курсида ўқимоқдалар.

Партия ва совет ташкилотлари мактабимизнинг намунали ишлаши учун ҳамма шароитни яратиб бердилар. Бу йил мактаб биносини 20 июльгача сифатли ремонт қилиб бўлдик. Мактаб атрофидаги йўл-йўлакларга асфальт ётқизилди. Қиш учун етарли ўтин-кўмир ғамлаб қўйилди.

Бу йил мактабда 1.017 та қиз ўқийди.

Биз улуғ йўлбошчимиз ўртоқ Сталининг ёш авлодни коммунистик рухда тарбиялаш ҳақида кўрсатайтган буюк ғамхўрлигига жавобан, умумий мажбурий та'лим сталинча қонунини бундан кейин ҳам тўла амалга ошириш учун ҳормай-толмай ишлаймиз.

М. ИСЛОМОВА.
Тошкент шаҳар, Сталин районидаги 59-нчи қизлар мактабининг директори.

Ота - оналар ташаббуси

Фарғона область, Киров район, Работ қишлоқ советидаги «Коммунизм йўли» колхозидаги колхозчи ота-оналар қишлоқдаги Пушкин номли ўрта мактаб учун янги бино қуришга киришдилар.

Ҳозир 20 хоналик ўрта мактаб биноси қурилишида колхозчи ота-оналардан 60 кишилик алоҳида қурилиш бригадаси ишламоқда.

Мактаб биносини сентябрь ойининг охиригача битказиб, эксплоатацияга топшириш учун қизғин иш бораётир.

Бундан ташқари, шу қишлоқ советидаги «Матлубот» ва Каганович номли колхозларда ҳам янги бошланғич мактаб бинолари қурилиб, эксплоатацияга топширилди.

А. ТУХТАМАТОВ.

Ўқиш ёшидаги ҳамма бола мактабга тортилди

Тошкент область, Калинин район, Ленин қишлоқ советидаги тўлиқсиз ўрта мактабда бу йил 161 бола ўқийди. Булар шу қишлоқ советидаги колхозчиларнинг болаларидир.

Биз ўқиш ёшидаги ҳамма боланй мактабга тортдик. Колхозчиларнинг мактаб ёшидаги 83 қизи рўйхатдан ўтди, улар 1 сентябрьдан ўқийбошлайдилар.

Мактабимиз илгари бошланғич мактаб эди. Колхозчиларнинг ташаббуси блан янги бино қурилиб, мактабимиз еттийиллик мактабга айлантирилди.

Ҳозирги вақтда мактаб янги ўқув йилига тўла тайёрланди. Ремонт тамомланди. Қишга етарли ўтин-кўмир ғамлаб қўйилди. «Октябрь 16 йиллиги» колхозининг раиси ўртоқ Нурмуҳаммедов ва у раҳбарлик қилаётган колхоз аъзолари бизга катта ёрдам бердилар.

Умумий мажбурий та'лим ҳақидаги қонуннинг 20 йиллигини янги ўқув йилини муваффақиятли бошлаб юборий арафасида кутиб олмоқдамиз. Партия ва ҳукуматимизнинг ёш авлод тарбияси ҳақида кўрсатаётган буюк ғамхўрлигига жавобан, ўқиш-ўқитиш ишида янги муваффақиятларга эришамиз.

И. ЖЎРАЕВ.
Тошкент область, Калинин районидаги Шверник номли еттийиллик мактабининг директори.

Сталинча қонуннинг йигирма йиллиги

Эртага 14 августда бутун совет мамлакати умумий мажбурий та'лим ҳақидаги сталинча қонунининг йигирма йиллигини нишонлайди.

СССР Марказий Ижроия Комитети ва СССР Халқ Комиссарлари Совети бошланғич умумий мажбурий та'лим ҳақида қабул қилган қарорининг кириш қисмида бундай дейилади: «Социалистик қурилишни муваффақият блан олиб бориш учун қисқа муддат ичида кенг механизаторлар оммаси ўртасида маданий ва техник қолоқликни тугатиш зарур. Бошланғич умумий мажбурий та'лимни жорий этмасдан, бу вазифани бажариш мумкин эмас».

Ўртоқ И. В. Сталин 1925 йил 9 июньда Свердлов университетида сўзлаган нутқида бундай деган эди: маданий маориф иши соҳасидаги асосий йўл... «шундан иборатки, бутун мамлакатда, бутун иттифоқда бошланғич умумий мажбурий та'лимни амалга ошириш учун зарур шароитлар ҳозирламоқ керак. Бу, ўртоқлар, энг катта реформадир. Бу реформа амалга оширилса, фақат маданий фронтдагина эмас, балки сиёсий ва хўжалик фронтларида ҳам энг буюк ғалаба бўлади. Бу реформа мамлакатнинг жуда катта юксалиши учун негиз бўлиб хизмат қилади» (И. Сталин, Асарлар, 7 том, 184 бет).

1930 йилдан бошлаб бошланғич умумий мажбурий та'лим бутун мамлакатимизда, шу жумладан Совет Ўзбекистонида амалга оширилабошланди. Ўзбекистонда бошланғич умумий мажбурий та'лимни амалга ошириш учун бирмунча мураккаб ва қийин масалаларни ҳал қилиш, жумладан бирнеча ўн минг ўқитучи кадрлар тайёрлаш, ўқиш-ўқитиш ишлари учун моддий база яратиш, мактаб тормоқларини ташкил этиш керак эди.

Улуғ Октябрь социалистик революциясига қадар Ўзбекистонда аҳолининг фақат 2 процентчаси саводли эди. Булар ҳам маҳаллий бойлар, қулоқлар ва эшонларнинг болалари эди. Революцияга қадар ўзбек қизлари эса фақат илм олишдангина эмас, балки очиқ юз блан кўчага чиқишдан ҳам маҳрум эдилар. Мана шундан 13 йил ўтгандан кейин, я'ни 1930 йилда мамлакатимиз халқларини илғор саводхон қилишни кўзда тутган сталинча қонун амалга оширилабошланди.

Умумий мажбурий та'лим амалга оширилабошланиши арафасида Ўзбекистонда 2.710 мактаб бор эди, буларнинг кўпи икки, уч ва тўрт синфли мактаблар эди. Сталинча қонун амалга оширилиши натижасида мактаблар тормоги жуда кенгайди, ўқиш-ўқитиш ишларининг савияси анча ошди. 1949—50 ўқув йилига келиб, республикамизда 4797 мактаб ишлади. Шу йил 1 сентябрьдан эса мактаблар сони 5 мингтага етади. 2110 бошланғич, 2390 еттийиллик ва 500 ўрта мактаб ишлайди.

Ўқучилар сони ҳам жуда кўпайди. 1929 — 30 ўқув йилида мактабларда 190 минг 900 бола ўқиган бўлса, 1949 — 50 ўқув йилида 1 миллион 213 минг бола, шу жумладан 371 минг қиз бола ўқиди.

Умумий мажбурий та'лимнинг амалга оширилиши натижасида халқимизнинг маданий тараққиётида катта муваффақиятларга эришилди. Сталинча қонуннинг амалга оширилиши катта сиёсий ва хўжалик вазифаларининг бажарилишига йўл очиб берди. Сталинча бешйиллик планларнинг муваффақиятли бажарилиши учун саводли ва билимдон кадрлар тайёрлаб берилди.

Партия ва ҳукуматимиз Улуғ Ватан урушининг оғир йилларида ҳам мактабларда ўқув-тарбия ишларини яхшилаш ҳақида ғамхўрлик қилиб келдилар. Мактабдаги ўқувчиларнинг билимига баҳо қўйишда беш баллик система жорий қилинди. 4 ва 7-нчи синфларни битирувчилар учун имтиҳонлар белгиланди, 10-нчи синфни битирувчилар учун етуклик аттестатига имтиҳон бериш мажбурий қилиб қўйилди ҳамда а'ло даражада ўқиган ва жуда яхши ахлоқ намуналарини кўрсатган болаларга олтин ва кумуш медальлар бериладиган бўлди. Натижада, мактабларда ўқиш-ўқитиш ишларида анча муваффақиятларга эришилди.

1949 йилдан бошлаб еттийиллик умумий мажбурий та'лим жорий қилинди. Бу, мамлакатимизнинг иқтисодий, сиёсий-маданий жиҳатдан яна ҳам юксалиб бораётганлигини кўрсатучи далилдир.

Мактабларда умумий бошланғич та'лимни, сўнгра еттийиллик та'лимни амалга ошириш иши 7 ёшдан бошлаб ҳамма болаларни мактабга тортишнигина назарда тутмай, айни вақтда мактабларда та'лим-тарбия сифатини яхшилашни ва ўқучиларни совет ватанпарварлиги руҳида тарбиялаш ишини янада юксак савияга кўтаришни ҳам назарда тутади.

Умумий еттийиллик мажбурий та'лимнинг амалга оширилиши ҳарбир ўқучининг биринчи синфдан 7-нчи синфгача мажбурий ўқишини талаб этади. Бу муҳим вазифани амалга оширишда мактабларнинг педагогик коллективлари, директорлари ва илмий бўлим мудирларига, кенг жамоатчилик ҳамда барча партия ва совет ташкилотлари зиммасига жуда мураккаб вазифалар юкланди.

Та'лим-тарбия ишларининг сифатини яхшилаш, программа ва режимни мустаҳкамлаш, рус тили, тарих, география ва чет тиллардан дарс беришни яхшилаш юзасидан партия ва ҳукумат қабул қилган бирқанча қарорлар мактаб ҳаётига оид барча асосий масалаларни ҳал қилиб берди. Кейинги йилларда ўқувчиларни синфдан-синфга кўчириш ва уларнинг мактабларни тамомлаб чиқиши вақтида ўтказилган имтиҳонлар ўқувчилар фан асосларини пухта эгаллаётганликларини, уларнинг ғоявий-сиёсий савияси йилдан-йилга ошиб бораётганлигини кўрсатди.

1949 йилда 890 минг ўқучи синфдан-синфга кўчирилган эди, 1950 йилда эса 973 минг 500 ўқучи синфдан-синфга кўчирилдики, бу ҳам мактаб-маориф органларимиз кейинги ўқув йилида қўлга киритган муваффақиятлардан дарак беради.

Аммо умумий мажбурий та'лимни амалга оширишда қўлга киритилган катта ютуқлар блан бир қаторда, бу соҳада жиддий камчиликлар ҳам содир бўлди. 1949 — 50 ўқув йилида ўқучиларнинг 3 процента мактаблардан четиб қолди. Ўқучиларнинг 12 процента синфда қолдирилди. Бирмунча районларда мактаб ёшидаги болалар ўқишга тўла тортилмади. Хусусан, ўзбек қизларининг мактабларга тўла тортилишига эришилмади, уларнинг ўқишдан четиб қолишларига қарши қовиқарсиз кураш олиб борилди.

Ўқитучиларнинг бир қисми ҳалигача тўлиқ педагогик билимга эга эмас. Бу эса ўқув-тарбия ишларининг сифатини яхшилашга халал бермоқда. Ба'зи ерларда ўқитишдаги формализмга ҳали ҳам барҳам берилган эмас, бирмунча мактабларда кўрсатмали қуроллардан тўла фойдаланилмаётир. Бу камчиликларни тугатиш учун даставвал, мактабларни билимли ва тажрибали педагог кадрлар блан тўлдириш керак.

Партия ва ҳукуматимиз ўқитучиларнинг иш ва турмуш шароитини яхшилаш ҳақида ҳар доим ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Улуғ Ленининнинг «Биздя халқ ўқитучиси шундай юксак даражага қўйилиши керакки, у буржуа жамиятида ҳечқачон бундай даражага қўтарилмаган, қўтарилмайди ва қўтарилиши мумкин ҳам эмас. Бу — ҳечқандай далил талаб қилмайдиган ҳақиқатдир» деган васиятига тўла амал қилинмоқда. Кейинги йилларда қабул қилинган бирмунча муҳим қарорлар бунга жонли далилдир. СССР Олий Совети ўқитучиларни орден ва медальлар блан мукофотлаш, уларга енгилликлар бериш, ўқитучиларнинг иш ҳақини ошириш ва уларни пенсия блан та'минлаш ҳақида бир қанча фармонлар чиқарди.

Республикамизнинг энг яхши ўқитучилари ўқув-тарбия ишларида ва ёш авлодни коммунистик рухда тарбиялаш соҳасида эришган муваффақиятлари учун орден ва медальлар блан мукофотландилар. 1235 ўқитучига Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитучи унвони берилди.

Ўзбекистон ССР да кейинги 20 йил ичида ўқитучи кадрлар тайёрлаш соҳасида анча ишлар қилинди. Педагогика институтларини 4154 киши, ўқитучилар институтларини 9218 киши, педагогика билим юртларини 13815 киши тамомлаб чиқди. Курсларда ҳам кўп ўқитучилар етиштирилди. 1949 — 50 ўқув йилида республика мактабларида 44 минг ўқитучи ишлади. Ўқитучиларнинг 46,5 процента ўзбек ўқитучиларидир. 26,4 процент ўзбек хотин-қизларидир.

Республикада бир типда жуда кўп мактаб бинолари қурилди. Кейинги 15 йил ичида 1.115 мактаб биноси қурилди.

Ҳозирги вақтда мактаб қурилиши ишни кучайтириб юборилди. Кўпгина колхозлар ўз кучлари ва маблағлари ҳисобига мактаб бинолари қуриб, умумий мажбурий та'лим ҳақидаги сталинча қонунини амалга оширишга актив ёрдам бермоқдалар. Чуночи, Хўжаобод районидаги Сталин номли ва Карл Маркс номли колхозлар Булоқбоши қишлоғи меҳнаткашларининг болалари учун жуда катта намунали мактаб биноси қуриб бердилар. Андижон районидаги Карл Маркс номли колхоз ҳам мактаб учун янги бино қурди. Бундай мисоллар жуда кўп. Тошкент, Чирчиқ, Бекобод шаҳарларида ҳам мактаблар учун анча янги бино қурилди.

Кейинги йилларда мактабларни дарсликлар блан та'минлаш иши ҳам анча яхшиланди. 1949 — 50 ўқув йилида Ўзбекистон мактаблари 8 ярим миллион нусха дарслик олдилар, буннинг 6 миллион 600 минг нусхаси ўзбек тилидаги дарсликлардир. Мактаблар 1950 — 51 ўқув йили учун 7 миллион 272 минг нусха дарслик оладилар.

Умумий мажбурий та'лим ҳақидаги сталинча қонунини амалга ошириш фақат мактаблар ва маориф органларининггина иши эмас. Бу — умумхалқ ишидир. Ўзбекистон коммунист большевиклар партиясининг X с'езди бу соҳадаги ишларни янада яхшилаш юзасидан конкрет кўрсатмалар берди. С'езднинг резолюциясида шундай деб ёзилган: «С'езд барча партия ва совет ташкилотларига халқ маорифини янада ривожлантириш ва яхшилаш, мактаб ишларини ўзларининг энг муҳим вазифаларидан бири деб билиб, бу ишларни янада юксак даражага кўтариш юзасидан қат'ий чоралар кўриш мажбуриятини юклайди».

Эртага бутун совет жамоатчилиги умумий мажбурий та'лим ҳақидаги қонунининг 20 йиллигини нишонлайди. Шу кунда биз халқ маорифи соҳасида қўлга киритган ютуқларимиздан фахрланиш блан бирга, бу соҳада олдимизда турган жуда мураккаб ва мас'улиятли вазифаларни ҳам белгилаб оламиз.

Ўзбекистонда мактабларни янги ўқув йилига тайёрлаш иши жуда кечикиб тамомланмоқда. Тошкент, Бекобод, Чирчиқ шаҳарларининг партия ва совет ташкилотлари, кенг жамоатчилиги мактабларни янги ўқув йилига тайёрлаш юзасидан бошлаган ташаббус катта натижалар берди, аммо ба'зи районларда бу муҳим иш ҳамон судралаётир. Биз мактаблар ремонтини республика бўйича тез кунда тамомлашимиз, мактабларни ўқув қуроллари блан тўла та'минлашимиз, мактаб ёшидаги ҳамма боланинг ўқишга тўла тортилишига эришишимиз керак.

Республикамизнинг бутун жамоатчилиги, биринчи навбатда, ўқучиларнинг ота-оналари, жойлардаги партия ва совет ташкилотлари умумий мажбурий та'лимнинг 20 йиллигини муносиб равишда нишоналаб, бу қонунни тўла амалга оширишда халқ маорифи органларига ҳартомонлама актив ёрдам беришлари керак. Бу — уларнинг ёш авлод ҳақидаги сталинча ғамхўрликка муносиб жавоблари бўлади.

А. МУРОДХЎЖАЕВ.
Ўзбекистон ССР Маориф министри.

Хавфсизлик Советининг 11 августдаги мажлиси

НЬЮ-ЙОРК, 11 август. (ТАСС). Хавфсизлик Совети Қурия масаласини муҳокама қилиш учун бугун Я. А. Малик раислигида яна мажлис қилди.

Америка Қўшма Штатлари ва унинг шериклари Хавфсизлик Советининг Қурия масаласини тинч йўл билан ҳал этишига тўсқинлик қилиш мақсадида 1 августдан буён ишга қасддан халақит бериб келмоқдалар. 10 августда Остин яна янги бир найрангни ишлатди. У, вақтни олиш ва Хавфсизлик Советининг Қурияда тинчлик ўрнатиш тўғрисидаги Совет Иттифоқи таклифини кўришига халақит бериш мақсадида узундан-узоқ нутқ сўзлади.

Бугун, Хавфсизлик Советининг мажлиси очилиш пайтида, инглиз-америка иттифоқининг қарашларини акс эттирувчи тескарича матбуот, американинг шериклари 11 августда ҳам худди шу йўлни тутадилар, деб ёзган ва, Англия вакили Жебб катта нутқ сўзлаб, бунда Остиннинг далилларини такрорлайди, деб таъкидлаган эди.

Раис Малик мажлис очилиши бланоқ, инглиз-америка иттифоқининг ишга халақит бериш тактикаси натижасида Хавфсизлик Советида юз берган қийин аҳволни бартараф қилишга ҳаракат қилди. Малик, Хавфсизлик Совети Қурия вакилларини таклиф этиш тўғрисидаги жуда чўзилиб кетган масалани муҳокама қилиш билан шуғулланмоқда, деди. Малик айтдики, бу масала юзасидан икки таклиф бор: биринчиси Совет Иттифоқининг таклифи бўлиб, бунда Хавфсизлик Совети қурия халқининг, шу жумладан Шимолий Қурия вакилларининг ҳам, Жанубий Қурия вакилларининг ҳам фикрини эшитсин деб таклиф этилади; иккинчи таклифда, Хавфсизлик Совети 25 июньда Жанубий Қурия вакилига юборилган таклифнома ҳали ҳам ўз кучида қолади деб ҳисобласин, дейилади.

Малик бундай деди: совет делегациясининг фикрича, Хавфсизлик Совети бу ҳар икки таклифни овозга қўйиши керак. Шу билан бирга, аввало совет таклифи, сўнгра иккинчи таклиф овозга қўйилиши лозим. Бу масала овозга қўйиш йўли билан ҳал этилгандан кейин, — деди Малик, — Хавфсизлик Совети Қурия масаласи юзасидан Хавфсизлик Совети муҳокамасига киргизилган уч резолюция лойиҳасини муҳокама қилишга киришаолади. Совет делегацияси, — деди Малик ўз сўзини давом эттириб, — масалани овозга қўйишни талаб этади. Агар ҳеч қандай эътироз бўлмаса, агар рўйхатдаги нотиқлар аввало ўзларига сўз берилишини талаб қилмасалар, Хавфсизлик Совети масаланы овозга қўйиши мумкин.

Аммо Англия вакили Жебб инглиз-америка иттифоқининг тактикасини қўлланиб, масалани овозга қўйишга қарши чиқди ва Малик таклиф этган тартибга нима учун қарши эканлигини тушунтириб беришни истаганлигини айтди.

Шу вақтда Малик масалани овозга қўйишни таклиф этганлигини ва масалани овозга қўйиш раисининг бурчи эканлигини айтди.

Маликнинг таклифи Хавфсизлик Советида юз берган қийин аҳволни бартараф қилиш ва Хавфсизлик Советига Қурия масаласини муҳокама қилишга киришиш имкониятини бериш мақсадида киргизилган бўлса ҳам, Остин шовқин-сурон кўтариб бунга қарши чиқди ва агар Хавфсизлик Совети Малик таклиф этган иш тартибини қабул қилса, бу Хавфсизлик Советини «нотўғри қарор»га бўйсундириш бўлади ва Хавфсизлик Советидаги иш қоидаларининг бузилишига розилик бериш бўлади, деди. Остин, агар Маликнинг баёноти «қарор» бўлса, мен бу «қарор»га эътироз билдираман, деди.

Малик Остиндан қайси «қарор»га эътироз билдираётганлигини аниқ айтишни сўради. Малик раис ҳеч қандай қарор чиқармаганлигини яна айтди. Малик бундай деб изоҳ берди: совет делегацияси масалани овозга қўйишни «қаттиқ талаб қилади», шунинг учун раис Хавфсизлик Совети олдига овозга қўйишлаш керакми деган масалани қўйди. Хавфсизлик Совети бу масала юзасидан қарор чиқаришга ҳақлидир.

Остин ўз жавобида масалани яна чалкаштиришга урунди. Малик нотиқлар ўз сўзларини давом эттиришлари керакми ёки совет делегациясининг таклифини овозга қўйиш керакми деган масалани қўйди. Хавфсизлик Советининг иккинчи доимий аъзоси вакиллари қатнашмаган бўлсалар ҳам, Жебб Хавфсизлик Советининг Қурия тўғрисида илгари қабул қилинган резолюциялари қонунийдир деб даъво қилди.

Жебб Совет Иттифоқи шаънига ва коммунизм шаънига нисбатан бирқанча туҳмат гапларни айтиб, Қурия масаласи ҳақидаги совет таклифларини рад этди, бу таклифлар Қурияда коммунизм барпо этишга қаратилган, деди.

Сўнгра Жебб, ҳозирги вақтда коммунизм Осиёда ўз кучларини тўпламоқда, деди ва Бирма, Индонезия, Вьетнам, Филиппин ва Ҳиндистондаги аҳволни мисол қилиб кўрсатди. Жебб Америка Қўшма Штатларини жон-жаҳди билан ҳимоя қилиб, Қуриядаги агрессия учун Қўшма Штатлар жавобгар эканлигини рад этди. Сўнгра Жебб Қурия халқининг вакилларини Хавфсизлик Совети мажлисларига чақиришга қатъиян қарши чиқди. У, шимолий қуриялиларни Хавфсизлик Совети мажлисига чақириш учун Шимолий Қурия қўшинлари 38-нчи параллель орқасига олиб кетилиши ва Хавфсизлик Советининг резолюциялари бажарилиши шарт, деди.

Сўнгра Малик Совет Иттифоқи вакили сифатида сўз олиб, Америка Қўшма Штатлари вакили Остин 10 августдаги мажлисда Қурия масаласи ҳақида айтган жуда кўп нотўғри гапларга жавоб бериш зарурлигини айтди.

Малик, Англия вакили Жебб ўз сўзида Америка Қўшма Штатлари вакилининг 10 августда айтган сўзларини такрорлади, деди. Малик айтдики, совет делегацияси Қўшма Штатларнинг Қуриядаги агрессив тадбирларига қандай қараганлигини илгариги мажлисларда айтиб берди ва ҳамма эътироф қилган қоидаларга мувофиқ, Қўшма Штатларнинг Қурияда агрессор эканлигини исботлади. Қўшма Штатлар вакили буни рад этаолмади.

Сўнгра Малик Қурия масаласи Хавфсизлик Советида Қўшма Штатлар блан лисинманчилар тақдим этган ва қасддан тўқилган «ахборот» асосида муҳокама қилинганлигини ва бу «ахборот»нинг сра ҳақиқатга тўғри келмаганлигини уқдириб ўтди. Малик Қўшма Штатлар вакили Остин Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Қурия комиссияси докладини далил қилиб кўрсатганлигини, бу докладга мазкур комиссиянинг гоминдончи аъзоси қўл қўйганлигини уқдириб ўтди. Гоминдан усул идорасидек чиришган, сотқин усул идорасининг вакили айтган гапларга ҳеч ким ишонаолмайди, деди Малик.

Сўнгра Малик бундай деди: Қўшма Штатларнинг даъвоси мазкур комиссия докладида тўқиган соҳта маълумотларга асосланган. Бу докладда Ли Син Ман қўшинлари мудофаа позицияларида турган эдилар деб даъво қилинади. Брок докладнинг ўзидан кўриниб турибдики, уруш ҳаракатлари бошланган вақтдаги жангларда бешта Жанубий Қурия дивизияси, Шимолий Қурия томонидан эса фақат 2 дивизия ва бир бригада қатнашган. Шундай қилиб, Ли Син Ман қўшинлари агрессия мақсадида чегара бўйига жойлаштирилган эди. Малик айтдики, Қўшма Штатларнинг Ли Син Ман артиллерия олган эмас деган даъвоси нотўғридир.

Малик уқдириб ўтдики, америка матбуотида Қуриядан олиб босилган хабарларда Ли Син Ман тўдасининг қуролли кучлари Қурия Халқ армиясидан қочган вақтларида жуда кўп америка тўпларини ташлаб кетганлиги эътироф қилинди. Малик бундай деди: Қуриядаги аҳвол Хитойдаги аҳволнинг такрорланишидан бошқа нарса эмас. Хитойда Чан Кай-ши қуролли кучлари америка ҳукумати берган қурол-яроғларни Хитой халқ армиясига қолдириб кетишга мажбур бўлган эдилар. Остиннинг, шимолий қуриялилар Совет Иттифоқидан қурол-яроғ олаётирлар, деган гапи Совет Иттифоқига қарши айтилган туҳматдир.

Малик бу туҳматга кеча жавоб берганлигини ва совет қуролли кучлари Қуриядан олиб кетилган вақтда шимолий қуриялиларга қандай қурол-яроғ сотилган бўлса, ҳозирги вақтда уларнинг ихтиёрида фақат ана шу қуролларгина борлигини айтганини уқдириб ўтди. Малик Остиннинг даъвоси «қабиҳ туҳмат» эканлигини айтиб, уруш олови ёқуви Черчилль ва унинг шогирдлари Совет Иттифоқи шимолий қуриялиларни реактив аэропланлар блан таъминлаётир деган гаплари блан ҳам Совет Иттифоқига туҳмат қилмоқдалар, деди. Малик дедики, бундай уйдирмалар ҳақиқатга сра ҳам тўғри келмайди.

Малик Остиннинг америка ҳаво кучлари Қуриядa уруш ҳаракатларини 28 июньда бошладилар деган даъвосини ҳам фош қилди. Малик америка ҳаво кучларининг операциялари ҳақиқатда 26 июньда бошланганлигини исботлайдиган далилларни келтирди. Малик бундай деди: Япониядаги ва Қуриядаги америка ҳарбий қўмондонлиги Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Қурия комиссиясига ёлғон ахборот топширган. Ҳозир эса Америка Қўшма Штатлари ва унинг делегацияси ана шу ёлғон ахборотдан фойдаланиб, Қурия халқ-демократик республикасини айбламоқдалар.

Хавфсизлик Совети, — деди сўнгра Малик, — ана шу ёлғон ва бир ёқлама ахборотга амал қилиб, Хавфсизлик Советининг икки доимий аъзоси йўқ вақтда Қуриядаги аҳвол тўғрисида ғайри қонуний резолюциялар қабул қилди. Ҳозирги вақтда ана шу ғайри қонуний резолюциялардан Қўшма Штатларнинг Қуриядаги агрессиясини оқлаш учун фойдаланилмоқда.

Малик Қўшма Штатлар томонидан Хавфсизлик Советига тақдим этилган ҳужжатлар асоссиз эканлигини кўрсатиш учун Қўшма Штатлар вакилларининг ва лисинманчи тўда аъзоларининг сўзларини далил қилиб келтирди. Малик Қурия жанжали бошланиш олдидан Ли Син Маннинг Токиога Макартур ҳузурига борганлигини, Ли Син Ман Шимолий Қурияга қарши агрессия бошлаш тўғрисида Макартурдан буйруқ олганлигини айтди.

Малик Ли Син Маннинг Сеульда Даллес бу ерга келган вақтда сўзлаган нутқини ва Даллеснинг жавобини далил қилиб кўрсатди, Ли Син Маннинг бу нутқи ва Даллеснинг жавоби Ли Син Ман тўдасининг ва унинг америкалик хўжайинларининг агрессив планларини исбот қилганлигини эслатиб ўтди. Малик бундай деди: Ли Син Ман тўдаси 25 июньда ҳужум бошлади. Хавфсизлик Совети 27 июньда мажлисга тўпланишидан бирнеча соат илгари Қўшма Штатлар ўз агрессиясини бошлади. Шундай қилиб, америкаликларнинг ҳаракати Хавфсизлик Советини юз берган воқеа олдида тамошабин қилиб қўйди. Қўшма Штатларнинг қуролли интервенцияси, — деди Малик, — ғайри қонуний, ўзбошимча ҳаракатдир.

Сўнгра Малик давлат департаменти 25 июньдаги агрессия бошлангунча Ли Син Ман тўдасига кўп миқдорда ҳарбий аижом топширилганлигини эътироф қилганлигини эслатиб ўтди, бу эса Қўшма Штатларнинг ва қўғирчоқ Ли Син Ман тўдасининг агрессив ниятда бўлганликларини исботлаганлигини айтди.

Сўнгра Малик америка расмий вакили Жонсоннинг Қуриядаги уруш ҳаракатлари бошланганга қадар қилган баёнотини мисол қилиб келтирди. Жонсон бу баёнотида, Ли Син Ман армиясини қуроллантириш ва ўргатиш тамом бўлди, бу армия «истаган пайтда уруш бошлаши мумкин» деган эди. Шундан кейин Малик Қуриядаги америка ҳарбий миссиясининг собиқ раҳбари генерал Робертснинг 5 июньда «Нью-Йорк геральд трибюн» газетаси мухбири Хиггинс хонимга айтган сўзларини мисол қилиб келтирди. Робертс бу баёнотида Ли Син Ман армияси Қўшма Штатларнинг сармояларини қўриқловчи сергак соқчи ити бўлади деган эди.

Малик бундай деди: мана бу фактларнинг ҳаммаси Остиннинг, Ли Син Ман қўшинлари урушга тайёр эмас эдилар, деган гаплари ёлғон эканлигини фош қилади. Бундан ташқари, Малик асир тушган жанубий қурияли офицернинг айтган сўзларини мисол қилиб келтирди. Бу офицер ўз полки 38-нчи параллель орқали ҳужум бошлаш ҳақида буйруқ олганлигини ва бу буйруқни бажарганлигини, лекин Шимолий Қурия хавфсизлик қўшинлари томонидан улоқтириб ташланганлигини айтган. Қўшма Штатлар иғвогарлик мақсадида жанжал чиқаргандан кейин, америка қўшинлари тўғридан-тўғри ҳарбий агрессия бошлаганлар. Ҳаммага маълумки, америка қўшинлари Қурия тупроғини пайхон қилмоқдалар. Ҳаммага маълумки, Қурия аэропланлари америка шаҳарларини, масалан, Нью-Йоркни бомбардимон қилаётганлари йўқ, балки америка аэропланлари Сеульни ва аҳоли яшаб турган бошқа районларни бомбардимон қилмоқдалар, америка офицерлари эса қанча тонна бомба ташланганликлари блан уялмай-нетмай мақтанмоқдалар.

Қуриядаги низо'ни тайёрлашда Макартур айниқса қабиҳ ролни ўйнади, — деди Малик, — Макартур Осиёда ўзини худо ва император ҳисоблаб келди ва Қўшма Штатларга қайтишни сра истамайди.

Малик бундай деди: Қўшма Штатлар Қурия масаласида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставини қўпол равишда бузиш блан бирга, ўзининг қонли агрессиясини дўстлик символи бўлган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг кўк байроғи блан ниқоблашга сурбетларча уринди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бош секретари ва америка делегацияси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзолари муҳокамасига резолюциялар тақдим этиб, уларнинг ғайри қонуний эканлигини яширишга уриндилар. Бу резолюциялар ғайри қонунийдир, чунки улар Хавфсизлик Советининг икки аъзоси — Совет Иттифоқи ва Хитой вакиллари йўқ вақтда қабул қилинди.

Ҳозир Америка Қўшма Штатлари буни яшириб, Шимолий Қурияни Хавфсизлик Советининг «қонуний» қарорига итоат қилмасликда айбламоқчи бўлади; лекин итоат қилиш лозим бўлган бундай қонуний қарорлар ҳақиқатда йўқ.

Малик ўз сўзининг охирида бундай деди: совет делегацияси америка резолюциясига қаршидир, бу резолюция низо'ни «бошқа жойларга ёймаслик» ниқоби остида агрессияни кучайтиришни кўзда тутади. Совет Иттифоқи эса, — деди Малик, чет эл қўшинларини олиб кетишни, низо'да қатнашучи ҳар икки томоннинг фикрини бу низо'ни тинч йўл блан ҳал қилишда бевосита манфаатдор бўлган Хитой вакили иштироки блан эшитишни таклиф этиб, Қурия жанжалини тинч йўл блан ҳал этишга интилади. Хавфсизлик Совети ё совет делегацияси таклиф этган тинчлик йўлини, ёки Америка Қўшма Штатлари делегацияси таклиф этган ва агрессияни кучайтиришга қаратилган йўлни танлаб олиши керак.

Я. А. Малик нутқи тамом бўлгандан кейин Хавфсизлик Советининг мажлиси ёпилди. Хавфсизлик Советининг келгуси мажлиси 14 августда бўлади.

Қуриядаги воқиалар

ҚУРИЯ ХАЛҚ-ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ АРМИЯСИ БОШ ҚЎМОНДОНЛИГИНИНГ АХБОРОТИ

ПХЕНЬЯН, 11 август. (ТАСС). Қурия халқ-демократик республикаси Халқ армиясининг Бош қўмондонлиги 11 август эрта блан қуйидагиларни билдирди: Халқ армиясининг қисмлари барча фронтларда душманнинг қарши ҳужумга ўтиш йўлидаги уринишларига зарба бериб, ҳужумни давом эттирдилар.

Халқ армиясининг қисмлари жанубий қирғоқда америка қўшинларининг танклар, мотомеханикалаштирилган қисмлари ва ҳарбий кемалар ёрдами блан бирнеча марта қилган қарши атакаларини қайтардилар ва душманнинг асосий кучларига қаттиқ зарба бериши давом эттирмоқдалар. Халқ армиясининг қисмлари бу райондаги жангларда душманнинг аскарлари ва техникасига катта талафот етказдилар.

Тэгу (Тайкю), Пусан (Фузан), Мирян (Мицуйо) ва Хэчжу (Кейсю) районларида партизан отрядлари Халқ армиясининг ҳужумига мадад бериб, душманнинг орқа томонига ҳужум қилмоқдалар, алоқа йўлларини ва ҳарбий иншоотларни яксон қилмоқдалар.

ПХЕНЬЯН, 11 август. (ТАСС). Пхеньян радиоси билдиради: Қурия халқ-демократик республикаси Халқ армиясининг Бош қўмондонлиги бугун кечқурун қуйидагиларни билдирди:

Халқ армиясининг қисмлари барча фронтларда америка қўшинларига ва қўғирчоқ лисинманчи қўшинларга қарши шиддатли жангларни давом эттирдилар.

Америка авиацияси ва ҳарбий-денгиз кемалари жанубнинг озод қилинган районларини ва 38-нчи параллель шимолидаги районларни қаттиқ бомбардимон қилишни ва ўққа тутишни давом эттирмоқдалар.

Америка ҳарбий кемалари, шу жумладан бир крейсер 9 ва 10 августда ғарбий қирғоқ яқинидаги Чходо (Сето) ороли районига қўққисдан ҳужум қилдилар ва аҳоли яшайдиган пунктларни ваҳшиёна ўққа тутдилар. Бунинг натижасида кўпгина уй-жойлар, мактаблар, касалхоналар ва маданий-ақартув муассасалари вайрон бўлди. Тинч аҳоли ўртасида ўлганлар ва ярадорлар бор.

Шарқий қирғоқ яқинида душман ҳарбий кемалари аҳоли яшайдиган пунктларни тўпга тутдилар, аммо Халқ армияси қирғоқ артиллериясининг ўт очиши натижасида улар бу ерлардан кетишга мажбур бўлдилар.

Америка аэропланлари 10 августда Вонсон (Гензан)га яна ҳужум қилиб, тураржойларга бомбалар ташладилар. Бомбардимон натижасида кўпгина уй-жойлар вайрон бўлди. Аҳоли ўртасида ўлганлар ва ярадорлар кўп.

ҚУРИЯДАГИ УРУШ ҲАРАКАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА АМЕРИКА МУХБИРЛАРИНИНГ ХАБАРЛАРИ

НЬЮ-ЙОРК, 11 август. (ТАСС). Ассошиэйтед Пресс агентлигининг мухбири билдиради: Пхохан (Хокодо) районида ҳужум қилаётган Шимолий Қурия қўшинлари Тэгу (Тайкю)ни хавф остида қолдирмоқдалар.

«Дейли компас» газетасининг мухбири Вернер Пхохан (Хокодо)га ҳужум қилаётган Шимолий Қурия қўшинлари америкаликларнинг бутун мудофаасини яксон қилишлари ва Пусан (Фузан)га шимол томонидан қатъий ҳужум қилиш учун йўл очишлари мумкин деб ҳисоблайди.

Юнайтед Пресс агентлигининг мухбири Беннихоф билдиради: Шимолий Қурия қўшинлари дарёё бўйидаги истеҳкомдан Чхан Ен (Сионей)нинг жанубий томонига ёриб ўтдилар. Америкаликлар бирнеча кун мобайнида бу истеҳком доирасини қисқартишга уринган эдилар. Шимолий Қурия қўшинлари Чиньчжу (Синсю) районида жанг олиб бораётган америка қўшинларининг ёнбош томонига хавф туғдириб, шарқи-жанубга силжидилар. Шимолий Қурия қўшинлари Нактонган (Ракуто-Ко) ва Намган (Нанко) дарёлари қўшилган жойдан беш километр шарқда ва Масан (Масань)дан 20 километр ғарби-шимолда жойлашган Намчижири қишлоғига етдилар. Шимолий Қурия қўшинлари дарёё орқали ўтган кечувни ўраб олдилар ва бунинг натижасида Масан (Масань) блан алоқа йўлини кесиб қўйдилар.

Тошкент шаҳар касаба союз активининг йиғилиши

11 августда Тошкент шаҳар касаба союз активининг ВЦСПС IV пленуми якунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

ВЦСПС IV пленумининг якунлари ҳақида Ўзбекистон касаба союзлари совети раисининг ўринбосари Ўртоқ Парамошкин доклад қилди.

Докладчи айтдики, ВЦСПС пленумида Электрстанциялар министрлигига қарашли корхоналардаги ишчи ва хизматчиларнинг уй-жой ва маиший шароитини яхшилаш, касаба союзларга қарашли санатория ва дам олиш уйларининг ишини яхшилаш, касаба союз аъзолари ўртасида физкультура ва спортни кучайтириш, Стокгольм Мурожаатига имзо тўплаш кампаниясини ўтказишда касаба союзларнинг иштироки тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди. Бу масалалар барча хўжалик ва касаба союз ташкилотлари учун ғоят катта аҳамиятга эгадир. Докладчи Электрстанциялар министрлиги системасида уй-жой қурилиши кучая борганлиги ҳақида гапириб, бундай деди: Ўзбекистонда уруштан кейинги бешйиллик давомида «Чирчиқстрой» тресги 62 минг квадратметрдан кўпроқ уй-жой қуриб, фойдаланишга берди. Аммо хўжалик ва касаба союз ташкилотлари ҳали энергетикларнинг уй-жой-маиший шароитини яхшилашда жиддий камчиликларга йўл қўймоқдалар. «Чирчиқстрой» тресги янги уйлар қуриш ва мавжуд уйларни ремонт қилиш учун берилган маблағлардан тўла фойдаланмаётир, бинокорлар ва электростанция ишчилари учун қурилган кўпгина ётоқхоналар қишга тахт қилиб қўйилмаган.

Ўзбекистон ССР Енгил саноат, Озиқ-овқат саноати, Бинокорлик материаллари саноати министрликлари, Ўзбекпромстрой корхоналарида, «Ташсельмаш», «Электрокабель» заводлари ва бошқа бирқанча корхоналарда ҳам шундай камчиликлар бор.

Сўнгра, докладчи касаба союзларига қарашли санатория ва дам олиш уйларининг иши ҳақида гапириб, партия ва ҳукуматнинг меҳнаткашлар соғлиғи ва маданий дам олиши тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилаётганликлари туфайли санатория ва дам олиш уйлари тармоғи кенгайганлигини айтди. Сўнгги ўн беш йил ичида Ўзбекистонда санатория ва дам олиш уйлари икки баравар кўпайди. Касаба союзларига қарашли шифохоналарда бу йил республиканинг меҳнаткашларидан 35 мингдан ортиқ киши даволанади ва дам олади. Лекин бу муҳим ишда ҳали мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланилмаётир. ВЦСПСнинг Ўзбекистон ва Киргизистон санатория ва дам олиш уйлари бошқармаси мавжуд санаторияларни кенгайтириш ва янги санатория ва дам олиш уйлари қуриш учун зарур чоралар кўрмаётир. Республикадаги касаба союз ташкилотларининг айби блан шу йилнинг 5 ойи ичидагина дам олиш уйларига берилган путёвкадан 350 дан ортиғи фойдаланилмай қолган.

Докладчи меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг муҳим воситаси бўлган физкультура ва спорт ишларини кучайтиришга кўпгина касаба союз ташкилотлари етарли эътибор бермаётганликларини кўрсатадиган фактларни келтирди. Ўзсовпром ва касаба союзларнинг республика комитетлари ВКП(б) Марказий Комитетининг ва касаба союзлар Х с'езднинг оммавий физкультура ишларини янада кучайтириш тўғрисида чиқарган қарорларини бажариш учун суст курашмоқдалар. Касаба союз ташкилотлари ВЦСПС IV пленумининг кўрсатмаларига амал қилиб, ишчи ёшларни физкультура ва спорт машғулотларига кенг жалб этишлари, фабрика-завод спартакиадаларини мунтазам ўтказиб туришлари, корхоналарда, муассасаларда ва ишчиларнинг умумий ётоқхоналарида оммавий спорт ишларини ҳартарафлама кучайтиришлари лозим.

Сўнгра докладчи атом қуролини тақиқлаш тўғрисидаги Мурожаатга имзо тўплаш кампаниясини ўтказишда касаба союзларининг иштироки ҳақидаги масала пленумда муҳокама қилинганлиги ва бу кампания, — деди докладчи, — бизнинг мамлакатимизда ғоят баланд руҳ блан ўтди ва совет кишиларининг севикли Ватанимизни, тинчлик ишини мустаҳкамлашга қатъий қарор берганликларини кўрсатди. Халқимизнинг меҳнат соҳасидаги аъар ғайрати ва сиёсий фаолиятига таяниб, халқ хўжалик планларини муддатидан илгари бажариш учун, социалистик қурилишнинг ҳамма соҳаларида янгидан-янги муваффақиятларга эришиш учун социалистик мусобақани тобора кучайтириш — ҳарбир касаба союз ташкилотининг вазифасидир.

Ўртоқ Парамошкин доклади юзасидан музокаралар қизиб кетди. «Чирчиқстрой» тресги бошқаруичисининг ўринбосари ўртоқ Вавилов айтдики, Электрстанциялар министрлигига қарашли корхоналарнинг ишчилари ва хизматчиларига уй-жой ва маиший жиҳатдан хизмат кўрсатишда камчилик ва нуқсонлар борлиги ВЦСПС IV пленумининг қарорларида кўрсатиб ўтилди. Бу камчиликлар Ўзбекистон корхоналарида ҳам бор. «Чирчиқстрой» тресги кейинги вақтда уй-жой қурилишини бирмунча тезлаштирган ва йиллик план 7 ой ичида деярлик 60 процент бажарилган бўлса ҳам, қурилиш ишлари сур'ати ҳали ҳамон ва хизматчиларнинг катта талабларидан орқада қолмоқда.

МТС ва ер органлари ишчилари ҳамда хизматчилари касаба союзи республика комитетининг раиси ўртоқ Абдуллаев Ўзбекистон қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ўртасида меҳнат ғайрати ошганини қайд қилда гапирди. Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари Стокгольм Мурожаатига якдиллик блан қўл қўйиб, меҳнат соҳасидаги зафарлари блан тинчлик учун курашга ҳисса қўшмоқдалар, ҳосилга ҳосил қўшишни кундан-кунга кучайтирмоқдалар. Чиноз районидаги 1-нчи, Оққўрғон районидаги 1-нчи, Ўртачирчиқ районидаги 4-нчи, Қарши районидаги 2-нчи МТСларнинг ва бошқа бирқанча илғор МТСларнинг механизаторлари ғўза қатор ораларини трактор блан ишлаш планини бажардилар ва иш сур'атини сусайтирмай, пахтакорларга давлат олдидаги мажбуриятларни шараф блан бажаришда ёрдам бермоқдалар.

Ўртоқ Абдуллаев ишчи ва хизматчиларнинг уй-жой, маиший шароитини яхшилаш тўғрисида пленумда қабул қилинган қарорлар ҳақида гапириб, Ўзбекистон ССР пахтачилик, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги министрликларининг бу ишга етарли эътибор бермаётганликларини эслатиб ўтди. Ўртоқ Абдуллаев Ўзбекистон касаба союзлари советини уй-жой қурилиши планларининг сўзсиз бажарилишини таъминлашда бу министрликларга таъсир кўрсатмаётганлигини айтиб, қаттиқ танқид қилди.

Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими мудирининг ўринбосари ўртоқ Ананьева Тошкент аҳолисига медицина хизматини яхшилаш масалаларига тўхтаб ўтди. Ўртоқ Ананьева касалхона ва поликлиникаларни бирлаштириш ва меҳнаткашларга медицина хизматини яхшилаш соҳасида бирқанча тадбирлар кўрилганлигини айтиб, касаба союз ташкилотларини медицина муассасаларининг ишларида бўлган камчиликларни тезликда йўқотиш учун уларга амалий ёрдам беришга чақирди.

Тошкент пассажир станцияси паровоз депосининг газ блан пайванд қилувчи ишчиси ўртоқ Семеновнинг сўзга катта эътибор блан тингланди. У, корхона ишчиларига маданий-маиший хизматни яхшилашда темир йўл касаба союз ташкилотлари олдига катта талаблар қўйди. Депо ходимларининг клуб ва қизил бурчаклари йўқ, уларда кўпининг уй-жой шароити кўнгилдагидек эмас.

Йиғилишда ВЦСПСнинг Ўзбекистон ва Киргизистондаги санатория ва дам олиш уйлари бошқармаси бошлиғининг ўринбосари ўртоқ Шумская ва Ўзбекистон ССР Коммунал хўжалик министрлигига қарашли коммунал корхоналар бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Кошель ҳам сўзладилар.

Касаба союз активи йиғилишининг қатнашчилари ВЦСПС IV пленумининг қарорларини маъқуллаб, ишчи ва хизматчиларнинг уй-жой маиший шароитини, санатория ва дам олиш уйларини кенгайтириб, уларнинг ишларини яхшилаш, республикада физкультура ва спорт ишларини ҳартарафлама кучайтиришга қаратилган амалий тадбирларни белгиладилар.

Актив йиғилишида барча меҳнаткашларнинг йўлбошчиси улуғ Сталинга баланд руҳ блан табрикнома қабул қилинди.

Маъсул муҳаррир ўринбосари
Б. РАҲМОНОВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (Пушкин номли парк) — 13 августда **Тоҳир ва Зуҳра.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — Р. **Камол номидаги Татар давлат Академик театрининг гастрольлари** — 13 августда **Шамсиқамар**, 14 августда **Ҳўжа Насриддин**. Касса соат 2 дан очилади.

«РОДИНА» — кундуз **Ҳўжа Насриддин**, кечқурун **Лўлилар барони.**

«ВАТАН» — **Ҳўжа Насриддин.**

НАВОИЙ (қишки) — кундуз **Қимматли донлар**, кечқурун **Дубровский.**

«НАВОИЙ» (ёзги) — **Қал'адаги ҳаёт.**

Свердлов номли концерт залида
13 августда
Қирғизистон ССР
давлат
халқ хорининг
ГАСТРОЛИ.
Кеч соат 9 да бошланади.

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМЛИ ОПЕРА ВА БАЛЕТ ТЕАТРИДА
13 ва 15 августда кечқурун
ПРЕМЬЕРА.
Хожибеков музикаси
КЎР ЎҒЛИ
5 пардали опера.

МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ МАЖБУРИЙ ФАРМОЙИШИ

1950 йил 20 июль. № 7 Тошкент шаҳри.

АССЕНИЗАЦИЯ ТРАНСПОРТИНИ ҚАЙТАДАН РЎИХАТ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА.

Ассенизация транспорти бўлган ташкилотларнинг санитария қоидаларини бузиш ҳоллари содир бўлмоқда. Бу транспортдан нотўғри, бепарво фойдаланиш ме'да-ичак касалликларининг тарқалишига олиб боради.

Ташкилотлардаги ассенизация транспортининг ишини тартибга солиш ва бу транспорт устидан қаттиқ санитария назорати ўрнатиш учун, Тошкент шаҳар Советининг ижроия комитети қарор қилади:

Ассенизация мақсадлари учун автомобиль ва от-улов транспорти бўлган Тошкент шаҳар ташкилотларига қуйидаги мажбуриятлар юклатилсин:

а) Ассенизация обози 1950 йил 10 августдан 25 августгача «Горочистка» трестида қайтадан рўйхат қилинсин;

б) бу транспортни қайтадан рўйхатга олишда санитария-эпидемия станциясининг ходимлари ҳам иштирок қилишлари ва (ассенизация транспортининг иши тўғрисида 1947 йил 6 февральдаги инструкцияга мувофиқ) санитария-техника жиҳатидан текшириб кўришлари лозим.

2. Қандай бўлса ҳам ташкилотнинг рўйхатдан ўтмаган ассенизация транспортининг шаҳарда қатнашига йўл қўйилмасин.

3. Ушбу мажбурий фармойишни бузишда айбдор бўлганлар ма'мурий тартибда жавобгарликка: 100 сўмгача жарима тўлаш ёки 1 ойгача муддат блан мажбурий ишга тортилсин.

4. Бу мажбурий фармойишнинг бажарилишини кузатиб бориш милиция органларига, коммунал хўжалик ва санитария-эпидемия станциясининг ходимларига юкланади.

5. Шу мажбурий фармойиш э'лон қилинган кундан бошлаб 15 кундан кейин кучга киради.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари
Х. КОМИЛОВ.
Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг секретари
А. АБДУЛЛАЕВА.

Гўшт ва сут саноати министрлигига
бухгалтерлар ва **ревизор бухгалтерлар**
КЕРАК
Адрес: Тошкент шаҳар, Ленинград кўчаси, 19-нчи уй.

«ЎЗБЕКСОВХОЗҚОРАКЎЛ» ТРЕСТИГА
совхозларда ишлаш учун:
бош бухгалтерлар, бинокор инженерлар ва техниклар
КЕРАК
Адрес: Тошкент шаҳар, Коммунистическая кўчаси, 7-нчи уй.

ҚУРИЯ САН'АТ ХОДИМЛАРИНИНГ СОВЕТ ИТТИФОҚИГА ҚИЛГАН САФАРЛАРИ ТЎҒРИСИДА АЙТГАНЛАРИ

ПХЕНЬЯН, 11 август. (ТАСС). Қурия сан'ат ходимлари группаси Совет Иттифоқидан қайтиб келганликлари муносабати блан 9 августда «Моранбон» театрида сан'ат ходимларининг йиғилиши бўлди. Йиғилишда Совет Иттифоқига бориб келган группага етакчилик қилган пропаганда ва маданият министри Хе Ден Сук, пропаганда ва маданият министрининг ўринбосари Тхя Сен Су ва бошқалар қатнашдилар.

Езувчи-драматург Син Го Сен доклад қилди. У бундай деди: совет кишилари Қурия сан'ат ходимларини самимий кутиб олдилар. Совет кишилари америка империалистларининг Қурияга қилган ҳужумидан қаттиқ ғазабланганликларини билдирдилар. Совет Иттифоқида қурия сан'ати юксак баҳо олди.

БЕЛЬГИЯ ПАРЛАМЕНТИДА

ПАРИЖ, 11 август. (ТАСС). Франс Пресс агентлиги билдиради: Бельгия депутатлар палатаси ва сенатининг бугунги қўшма мажлисда Леопольднинг ўғли Бодуэнга корольлик ҳуқуқларини бериш тўғрисидаги қонун лойиҳаси маъқулланди. Овоз берган 357 кишидан 349 киши қонун лойиҳасини ёқлаб овоз берди, 8 киши бетараф қолди.

Парламентнинг ҳар икки палатаси қонун лойиҳасини тасдиқлаганидан кейин Бодуэн парламентда қасам'ёд қилди. Шу пайтда коммунист депутат Лао бирнеча марта: «Яшасин республика!» деб хитоб қилди. Депутатлар палатасининг раиси ван Каувелерт коммунист депутатни мажлис